

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Диншунослик ва жаҳон
динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО” кафедраси мудири

_____ т.ф.н. Н.Муҳамедов

«_____» _____ 2010 йил

Камилов Дарвон Зафарович

**Мавзу: Мотуридия ва ашъария таълимотларида имон
масаласидаги фарқлар**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: т.ф.н., Оқилов С.

Такризчи: т.ф.н. Абдуллаев А.

Тошкент – 2011

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I-БОБ. ЎРТА АСРЛАРДА МОТУРИЯ ВА АШЪАРИЯ АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

1.1 Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти ҳақида.....	8
1.2 Абул Ҳасан Ашъарий ва ашъария таълимоти.....	18
1.3 Мотуридия ва ашъария ўртасидаги фарқлар.....	24

II-БОБ. МОТУРИДИЯ ВА АШЪАРИЯ ТАЪЛИМОТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИМОН МАСАЛАСИДАГИ ФАРҚЛАР

2.1 Мотуридия таълимотида имон масаласи.....	33
2.2 Ашъария таълимотида имон масаласи.....	47

ХУЛОСА.....	53
--------------------	-----------

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.....	55
---	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, собиқ шўролар тузumi мафкурасига кўра ислом динига ҳамда улуғ аجدодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросга муносабат бутунлай бошқача эди. Юртимиз мустақиллиги шарофати билан миллий-диний қадриятларимизнинг тикланиши ва узоқ ўтмишда яшаб ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг турли соҳаларига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бинобарин, буюк алломаларимиз ҳаёти ва уларнинг бой маънавий меросларини ўрганиб тадқиқ қилишда мамлакатимиз олимлари томонидан талай ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Чунончи, бу тарздаги тадқиқотлар бир томондан жамиятимиз учун ҳар томонлама муҳим бўлган маънавий комил инсонларни тарбиялаш, қолаверса уларда соғлом диний тафаккурни шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга айтиш жоизки, ислом динининг энг муҳим, айтилиши вақтда нозик масалаларидан бири бўлмиш ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илмининг (бу илм билан шуғулланган олимлар мутакаллимлар деб аталади) юзага келиши ва унинг тараққиёт босқичлари, мутакаллимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганишда ҳали етарли даражада тадқиқотлар амалга оширилган, деб айтолмаймиз. Диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзуни нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир

шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда»¹, деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланишида буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридийнинг (в. 333/944) ўрни қай даражада катта бўлган бўлса Ироқда мазкур илмни ривожланишида Абул Ҳасан Ашъарийнинг (в.873/936) ўрни ҳам шу қадар катта аҳамият касб этади. Айни шу жиҳатдан ҳар иккалалари асос солган икки таълимот аҳли сунна вал-жамоа эътиқодий йўналишини таркибидаги йўналишлар ҳисобланади. Шунингдек улар яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири - X асрнинг биринчи ярми) ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳ ва фиркаларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳол имон-эътиқод масалаларида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Шундай гуруҳлардан бири муътазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллардан (Қуръон ва ҳадис) ақлий далилларни устун қўяр эдилар. Натижада салаф ҳамда аҳли ҳадис уламолари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуғ мутакаллим Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарий етишиб чиқди ва вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда бартараф этишда ҳар иккалалари ўзига хос усулда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Кейинчалик то ҳозирги кунга қадар мазкур таълимотларга эргашувчиларни сони ортиб бориб уни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиш ортиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, танлаган мавзуимизнинг мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий конституцион давлат барпо этиш жараёнида, айниқса халқимизга ислом динининг асл моҳиятини тўғри етказишда ҳам аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросини мамлакатимизда, асосан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 446.

истиклол йилларидагина ўрганиш имконияти вужудга келди. Бунгача бўлган даврда аҳли-сунна ғояси, хусусан, мотуридия таълимоти, мусулмон маданияти, ақида тизими ва усулини бир қатор рус ва хорижий шарқшунослар, хусусан В.В.Бартольд, А.Э.Шмидт, И.П.Петрушевский, сўнгги йиллардаги тадқиқотчилардан У. Рудольф,² Talip Özdeş,³ Sönmez Kutlu⁴ кабилар томонидан ўрганилган. Мотуридийнинг илмий мероси – араб дунёсида асосан ашъария таълимоти кенг ўрганилиши сабабли, араб олимлари томонидан нисбатан кам ўрганилган. Айнан Мотуридийнинг тафсири тадқиқоти билан шуғулланган олимлардан Фотима Юсуф ал-Хаймий⁵ ва Маждий Басаллум⁶ кабиларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллик юбилейининг нишонланиши кўплаб илмий-тадқиқотларга туртки берди. Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси ўрганилиб, Ўзбекистоннинг турли жойларида тадқиқотлар, илмий мақола ва чиқишлар қилина бошланди. Айниқса, бу борада қатор исломшунос, шарқшунос, тарихчи ва файласуф олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. А.Мансуров,⁷ У.Алимов,⁸ У.Уватов,⁹ Ш.Зиёдов¹⁰ С.Оқилов¹¹ кабиларнинг тадқиқотларида Абу Мансур Мотуридийнинг шахсияти, унинг калом соҳасидаги фаолияти, ўзига хос услуб ва манбалари, у яшаган давр моҳияти, аҳли сунна вал-жамоанинг ақидавий қарашларига оид салмоқли илмий хулосаларни учратиш мумкин. Абу Мансур Мотуридийнинг ижоди билан боғлиқ айрим хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари ўзбек

² Рудольф У. Ал–Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2002. –Б. 204. (Бундан кейин: Ал–Мотуридий ва Самарқанд суннийлий илоҳиёти.)

³ Talip Özdeş. Maturidi'nin tefsir anlayışı. İstanbul: İnsan yayınları, 2003. –Б. 320.

⁴ Sönmez Kutlu. İmam Maturidi ve Maturidilik. Ankara: kitabiyat, –Б. 464. (Бундан кейин: İmam Maturidi ve Maturidilik)

⁵ Фотима Юсуф ал-Хаймий. Таъвилот аҳл ас-сунна. –Байрут: Муассасат ар-рисалату наширун, 2004. 5-ж.

⁶ Маждий Басаллум. Таъвилот аҳл ас-сунна. –Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. 10-ж.

⁷ Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. –Т.: ТИУ, 2006. –Б. 56. (Бундан кейин: Ақоид матнлари)

⁸ Алимов У. IX–XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. –Т.: Мовароуннаҳр, 2008. –Б. 192.

⁹ Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти. –Т.: Маънавият, 2000. –Б 16.

¹⁰ Зиёдов Ш. Абу Мансур ал–Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китаб ат–Таъвилот” асари // Т.ф.н. дисс. ... автореф. –Т.: Шарқшунослик (ЎЗР ФА ШИ). 2003.–Б. 22.

¹¹ Оқилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти. (Монография). –Т.: Мухарир, 2008. –Б 113. (Бундан кейин: Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти. (Монография)).

тилига ўғирилди. Шунингдек, кўплаб хорижий давлатлар кутубхоналарида сақланаётган алломанинг асарлари нусхалари, улар ҳақидаги тадқиқотлар ва ишланмалар маҳаллий тадқиқотчилари томонидан мамлакатимизга олиб келинмоқда ва ўрганилмоқда. Бу борада 2002 йилда илоҳиёт фанлари доктори, немис профессор Улрих Рудолфнинг “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” номли ишланмасининг қисқартилган ва тўлиқ шаклининг нашр қилиниши муҳим воқеа бўлди.

Бироқ мамлакатимизда бугунги кунга қадар ашъария таълимоти комплекс тарзда татқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади ислом динининг асосий руқнларидан ҳисобланган имон тушунчаси Мовароуннаҳрда шаклланган мотуридияда ва Ироқда шаклланган ашъарияда қай тарзда тушуниланлиги ва шарҳланганлиги ва унинг аҳамиятини татқиқ этиш. Шунингдек, унинг мазмун-моҳиятини очиқ беришдаги ҳар иккала таълимотларнинг ўзига хос услуби ва фарқларини кўрсатиб беришдан иборат.

Шу билан бирга, Ислом дини тарихининг дастлабки даврларидан пайдо бўлиб, ҳозирда ҳам жамиятда носоғлом ва беқарор вазиятни вужудга келтираётган турли диний оқим ва гуруҳларнинг имон масаласида қилаётган ихтилофларига, аҳли сунна-вал жамоа уламоларининг фикр ва қарашлари асосида ўзига хос ечимларни баён қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

- Мовароуннаҳрда ва Ироқда IX–X асрларда диний қарашлардаги ва тушунчалардаги фарқларни татқиқ этиш;
- Мовароуннаҳрда ва Ироқда калом илми ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганиш;
- Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг шахси ва илмий фаолиятларини тадқиқ қилиш;
- Мотуридия ва ашъария йўналишларининг имонга таъриф беришда ўзига хос услуб ва манбаларини аниқлаштириш;

– Имонга тааллуқли масалаларнинг ёритилишида ҳар икки тараф олимларининг бир-бирларига нисбатан берган фикр, мулоҳазаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– Мотуридия ва ашъария йўналишларини имон масаласи борасида тутган ўзига хос йўллари аниқлаштирилди;

– Имон масаласи билан бевосита дахлдор бўлган имонда истисно, имоннинг кўпайиши ва камайиши, тақлидчининг имони каби масалалар ҳар икки томоннинг келтирган далил ва ҳужжатлар асосида ёритилди;

– Мотуридия ва ашъария йўналишлари маслакдош олимларининг мазкур масала юзасидан билдирган қарашлари ўрганилди.

- мўъмин ва кофир тушунчаларини таъкидлашда иккала томон вакилларининг имон масаласидаги принципиал қарашларининг аҳамияти кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида калом илми тарихини ўрганиш, Мотуридий ва Ашъарий ҳаёти ва илмий меросининг ўрганилиши ўша даврдаги илмий муҳит, алломанинг илм-фанга қўшган ҳиссасини ёритишда хизмат қилади. Тадқиқот материалларидан “Ислом фалсафаси”, “Ақоид”, “Ислом тарихи” каби курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Малакавий битирув иши “кириш”, икки боб, беш банд, “хулоса”, ҳамда, фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхатидан иборат.

I-БОБ ЎРТА АСРЛАРДА МОТУРИЯ ВА АШЪАРИЯ АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

1.1 Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти ҳақида

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Мотуридий ас-Самарқандий¹²нинг ҳаёти ҳақида ёзганларнинг бирортаси у зотнинг таваллуд саналарини, ёки қандай таҳсил олганларини ва кимдан таъсирланганларини тилга олишмаган¹³.

«Мотуридия» номли асарда келтирилишича тадқиқотчи доктор Муҳаммад Айюб Али таҳминига кўра ҳижрий 238 мелодий 870 йил таваллуд топган. Мазкур эҳтимолнинг сабаби Мотуридийнинг икки устози вафоти санасига алоқадор бўлиб улардан бири Муҳаммад ибн Мукотил ар-Розий ҳижрий 248 мелодий 880 йили, иккинчиси Наср ибн Яхё Балхий ҳижрий 868 мелодий 898 санада вафот этганидадур. Шу нуқтаи назардан Мотуридий ҳижрий 248 мелодий 880 йиллари 10 ёшдан кичик бўлиши эҳтимолдан узоқлигидадур¹⁴.

Абу Мансур Мотуридий Самарқандда ҳижрий 333 милодий 944 – 945 йиллари вафот этган ва шаҳар чеккасидаги Чокардиза деган қабристонга дафн этилган¹⁵.

Мотуридий ислом оламида таълимоти кенг тарқалган калом мактабларидан бирига асос солган олим сифатида исломий қарашларни тарқатишда катта ўрин тутди¹⁶.

Абул Мансур Мотуридий илмга рағбати, динга кўрсатган кўмаги, ақидани ҳимоя қилишдаги улуғ ўринлари ва қудратларини кўрсатиб турадиган бир қанча лақаблар билан танилганлар. Жумладан, “имам ал-худа” (тўғри йўл имоми), “имам ал мутакалимий” (мутакаллимларнинг етакчиси), “раису аҳли-сунна ва-л-жамоа” (аҳли-сунна ва-л-жамоа

¹² Рудолф. У. –Б. 143.

¹³ Муаллифлар жамоаси. Мавсуот ал-Муяссара –Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. 5-ж. –Б. 99. (Бундани кейин: Мавсуот ал-Муяссара)

¹⁴ Доктор Аҳмад ибн Авзуллохх ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий . –Ар-Риёд. 2000. –Б. 95. (Бундан кейин: Ал-Мотуридия).

¹⁵ Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти.(Монография). –Б 5.

¹⁶ Мотуридий.Таъвилот аҳл ас-сунна. / Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида./ –Байрут: Муассасат ар-Рисала Наширун, 2004. –5 жилдли. –Б.30. (Бундан кейин: Таъвилот)

йўналишининг раҳбари), “имам аз-зоҳид” (художўй имом) ва бошқа номлар билан эъзоз топганлар¹⁷.

Абдуллоҳ Муройй ўзининг «Фатҳул мубий фий-табақотул усулии» китобида шундай дейди: «Абу Мансур кучли ҳужжатли, баҳсда ғолиб, мусулмонлар ақидасини ҳимоя қилувчи, дахрийларни шубҳаларига раддия билдирувчи киши эди»¹⁸.

Шунга қарамасдан Мотуридийнинг шахси ва унинг таълимоти тарих, табақот, ақида китоблари муаллифлари эътибордан четда қолди, жумладан Бағдодийнинг (в 429/1037) «Ал-фарқ байна-л-фироқ», Ибн Хазмнинг (в 456/1064) «Ал-фасл», Исфаронийнинг «Тафсир» китобларида Аш – Шахристонийнинг (в 548/1153) «Ал-милал ва-н-нихал» китобида Мотуридийнинг шахси ва Мотуридийлик зикр этилмайди. Ибн Надимнинг «Фихрист», Ибн Халконнинг «Вафоёт ал-Аъён», Самонийнинг «Ансоб» китобларида Мотуридийнинг юрти ҳақида зикр қилиниб: «Бу жойда бир гуруҳ фозиллару – олимлар етишиб чиққан» дейилади. Бироқ мазкур муаллифларнинг барчаси Мотуридийни эътибордан тушириб қолдиришади.

Имом ас-Суютий ҳам «Табақот ал-муфассирин» китобида «Таъвилот аҳли-сунна»дек маълум ва машҳур тафсир ёзган Мотуридийни эътибордан четда қолдирган.

Ҳанафийликка оид табақот жанри дастлабки муаллифларидан бўлган Абдулқодир бин Муҳаммад Қураший Ҳанафийнинг «Жаваҳир ал-музия фий табақот-ил-ҳанафия» китобида Мотуридий ҳақида ҳатто 10 қаторга ўтмайдиган жуда оз маълумот берган.

Ўрта асрлардаги кўплаб манбаларда Мотуридийнинг илмий меросини назардан четда қолиши қуйидаги сабаблар туфайли юзага келган:

¹⁷ Ал-Мотуридия. –Б 98.

¹⁸ Мавсуот ал-Муяссара. –Б. 99.

1. Ислом ўлкаларининг турли нуқталаридан кўплаб олимлар тўпланадиган халифалик марказларидан узоқ бўлганлиги.
2. Мотуридийнинг ислом оламидаги илмий марказлари хисобланган Макка, Мадина, Бағдод ва Дамашқ каби шаҳарларга бормаганлиги ва у ердаги олимлар билан учрашиб улар билан музокаралар олиб борганлиги унинг танилишига шу билан биргаликда шаҳарлар тарихларида ва солномаларида зикр қилинишига тэдилар.
3. Ҳанафийликни табақот жанрида ўз мазҳаби уламоларини табақотларининг кечикиши. Ҳанафийликка оид табақот жанрида ўз мазҳаби уламоларини ёзган муаллиф Абдулқодир Қураший бўлиб ҳижрий 775 мелодий 1376 – 1377 йиллари вафот этган¹⁹.

Мотуридий асри:

Мотуридий ислом давлатининг шарқий минтақасида дунёга келди. Маълумки ислом давлатининг шарқий қисми Аббосийлар халифалиги салтанатига мустаҳкам боғланган эди. Халифа мутаваккил вафотидан сўнг кўплаб ўлкалар Аббосийлар халифалиги салтанатидан мустақилликка чиқдилар шарқий ўлкалар ҳам шулар жумласидан бўлиб, Мовароуннаҳр диёридаги Сомонийлар давлатини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Мовароуннаҳр ўлкаси ислом шарқида жойлашган минтақаларда туркий халқлар истиқомат қилишган. Улар Турон заминга мансуб бўлиб бу ўлка кейинчалик Туркистон деб юритилган²⁰. Сомонийлар давлати Аббосийлар халифалигидан фақатгина 261/875 йилга келиб тўлиқ мустақилликни қўлга киритди ва бу давлат ҳукумати 389/999 йилгача давом этиб айни шу йили мазкур давлат бир томондан Сабуктекин оиласи қўлида иккинчи томондан Турк ҳоқонлиги қўлида ниҳоясига етди²¹.

Мотуридия таълимотининг асосчиси Абу Мансур Мотуридий ҳижрий III мелодий XI асрнинг ўрталарида Самарқанднинг «Матурид» қишлоғида дунёга келди. У туғилган даврда Мовароуннаҳр диёри

¹⁹ Ал-Мотуридия. –Б. 79.

²⁰ Таъвилот. –Б. 31.

²¹ Ўша манба. –Б. 22.

Аббосийлар халифалигига қарашли эди. XI асрнинг иккинчи ярмида мустақил давлат сифатида ажралиб чиққан Сомонийлар давлатининг кўлига ўтди. Аббосийлар ҳукмронлиги остидаги ғарбий марказлардан қувилган Хорижийлар, Мутазилий Муржийлар, Зайдия, Исломия каби кўплаб сиёсий, ақидавий мазҳаблар, ўз ғояларини қайси бир давлатнинг марказий бошқаруви заиф бўлса ўша ерда тарқалишга интиладилар²².

Ибн Асир Сомонийлар давлати ҳақида: «Катта жойни ўз ичига камраб, ўраб туради ... ва бу давлат шуҳратли ва адолатпарвар эди».

Ибн Халикон давлат бошлиқларига баҳо бериб: «Сомоний ҳукмдорларига келсак улар Мовароуннаҳр ва Хуросон султонлари эдилар. Обрў эътиборлари юқори бўлиб ким тахтга ўтирса унга “султонлар султони” деб мурожаат қилинар эди. Бундан бўлак ном билан атамал эди ва бу улар учун белги сингари бўлиб қолди. Улар устида адолат, дин ва илм устувор турар эди²³».

Сомоний ҳукмдорлар илмга ва илм аҳлига ғоят катта эътибор қаратиб олимларни ўзларининг яқинларига олдилар. Умумий ва махсус кутубхоналар барпо қилдилар. Кутубхоналарнинг энг йириги Марв шаҳрида эди. Бу ўлкадан ҳадис, фикҳ, луғат, калом соҳаларида олимлар айни шу вақт оралиғида пайдо бўлди.

Илмий мартабалари:

Мотуридий ўз таълимотини анъаналарини ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожланишига катта улуш қўшди. Илоҳиёт илмлари тўла шаклланиб камол топишига хизмат қилди. Уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишдек бир ишни амалга оширди ва ҳанафий талимотини Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари билан боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. У яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимидан бири сифатида танилди²⁴.

²² Imam Maturidi ve Maturidilik.. –Б. 17.

²³ Ал-Мотуридия. –Б. 87.

²⁴ Азимов А. мақоласи.ТИУ. Ахборот бюллетени. –Т.: ТИУ, 2009/4. –Б. 8.

Машхур турк олими Тошкуброзоданинг таъкидлашича: «Аҳли-сунна вал жамоа»да калом илми раислари икки киши бўлиб, улардан бири Ҳанафий иккинчиси Шофиъийдир. Ҳанафий Абу Мансур ал-Мотуридий Шофиъий эса Абул Ҳасан Ашъарийдир.

У киши ёшликлариданок кучли салоҳияти билан устозларининг меҳрини қозонади. Шу боисдан у кишининг устозлари Абу Наср Иёзий Абу Мансур илмий мажлисга келгунларига қадар гап бошламас, ҳар гал Абу Мансурни узоқдан кўрганларида унга ажабланиб боқар ва Қуръони Каримнинг «Қасос» сураси 68 – оятни ўқирдилар. «Парвардигорингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур (ва Ўзи хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур²⁵».

Мотуридийнинг устозлари:

Илк давр манбаларида Мотуридийнинг ҳаётидан кўплаб нарсалар тилга олинмаган. қаерда ўсди, қандай таълим олди, нималардан таъсирланди, илм олиш мақсадида қайси ўлкаларни кезди. Мутаржимлар ҳар қачон бунга эътиборсизлик билан ёндошганлар.

Замонавий манбаларга таяниб қуйидаги шахсларни у зотнинг устозлари сифатида биламиз.

1. Муҳаммад ибн Мукотил ар-Розий (в 248/862) Рай шаҳри тарихи ҳақида нақл қилинишича Муҳаммад ибн Мукотил Розий Райдаги Ҳанафийлик мазҳаби имоми бўлиб фикҳда кўзга кўринган олимлардан бўлиб танилганлар. Муҳаммад ибн Аюбнинг ривоят қилишича 249/862 йил вафот этганлар²⁶.
2. Абу Наср Иёзий, тўлик исмлари: Аҳмад ибн Аббос ибн Хусаин ибн Ғолиб ибн Жобир ибн Навфал ибн Иёз ибн Яҳё ибн Қайз ибн Саъд ибн Убода Ансорий Самаркандий Абу Наср Иёз. У киши Абу Бакр Аҳмад Ибн Исҳоқ Жузжонийдан фикҳдан сабоқ олди. Сўнгра бир гуруҳ кишилар ундан таҳсил олишди. Улар орасида икки ўғли Абу Бакр Муҳаммад ва Абу Аҳмад ҳам бор эди.

²⁵ Аловуддин Мансур. Қуръони Карим. (ўзбекча таржимаси) –Т.: Чўлпон, 1991. –Б. 282. (Бундан кейин: Қуръони Карим. (ўзбекча таржимаси)).

²⁶ Имом ал-Мотуридий. Китаб ат-Тавҳид. –Коҳира. Дор ал-жамиат ал-мисрия, 1980. –Б. 3.

Идрисий у зот ҳақида «Тарих ас-Самарқанд» китобида зикр қилиб: «У зот илм ва жиҳот аҳлидан эди» дейди, лекин у ҳақда бирор ривоят келтириб ўтмайди. У зотни кофирлар асир қилиб Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Асад ибн Самъон даврида Турк диёрида қатл қилишади.

3. Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (в 268/881) у киши «Усул ад-дин» ва «Фуруъ» да ҳам юқори даражадаги олим эди²⁷. Абу Бакр ал-Жузжоний Самарқанддаги ҳанафия мактабининг ривожига катта ҳисса қўшган олимдир. Агар Насафийга ишонсак у бу мактабга асос ҳам солган. Унинг маълумотига кўра Абу Бакр аввал, Самарқанддан узоқда, Абу Сулаймон Жузжонийдан таҳсил олган, сўнгра олган билимларини ёйиш мақсадида Мовароуннаҳр марказига келган²⁸. У кишининг «Ал-фарқ ва-т-Таъмиз», «Тавба» каби китоблари мавжуд.
4. Наср ибн Яҳё Балхид (в 268/881) у киши Абу Сулаймон Жузжоний, Абу Мукотил Ҳафс ибн Муслим Самарқандийдан таҳсил олади. У киши ҳақида бошқа маълумот мавжуд эмас.

Шогирдлари:

Мотуридий даврида ва ундан кейинги вақтларда ҳам, аллома асарларини ва унинг фикрларини тарғиб этадиган шогирдлари ва давомчилари кўп бўлган. Мотуридий ақоид илмида фикрий (ғоявий) мактабга асос солди. Ушбу ғоя Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган минтақаларга ёйилди. Абу Муъин Насафийнинг айтишича: “бу мазҳабда Бухоро ва барча Мовароуннаҳр диёридан уруш чегарасида турган ерларига қадар, шунингдек, Марв ва Балх шаҳарлари шу таркибда бўлган.

Мотуридийлик ақидавий йўналишини кенг қулоч ёзиши, хусусан усмонийлар давлати даврида ортиб кетди. Қуйида Мотуридийнинг шогирдлари ҳақида қисқача маълумот келтирилади.

²⁷ Ал-Мотуридия. –Б. 102.

²⁸ Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. –Б. 148.

1. Абул Қосим Ҳаким Самарқандий у киши тасаввуф илмини Балх Шайхларидан олиб, фикҳ ва каломни эса, Мотуридийдан ўрганади. Абул Қосим Ҳаким Самарқандий Мотуридийнинг кўзга кўринган шогирдларидан ҳисобланган. Самарқанд шаҳрида узоқ муддат қози лавозимида ишлаб, «Ҳаким» (Доно) лақабини олади²⁹. Абу Муъин Насафийнинг айтишича (335/948) вафот этган ва Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн этилган³⁰. У кишининг «Саодул Аъзам» номли китоблари бўлиб бу асар Мотуридияда катта қийматга эга асар ҳисобланади. Шунингдек имон ҳақида «Рисалатул фий баян аннал- иман жузун минал-аман» номли кичик рисола таълиф қиладилар³¹.
2. Абул Ҳасан Али ибн Саъид Рустаффоний (в. тахм 350/960) унинг нисбасидан маълум бўлишича, олим Самарқанддаги қишлоқлардан бирида туғилган³². **Ёзган асарлари:** «Ришад ал-мухтадид», «Азаваид ва-л Фаваид фий-Анваъ ал-Улум», «Асилату ва-л Ажвиба», «Баян ас- сунна ва-л жамоа».
3. Абу Аҳмад ибн Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёзий. Бу киши Мотуридийнинг устози Абу Наср Иёзийнинг ўғлидир³³. Ҳаким ас- Самарқандий шундай деган: «Хуросон ва Мовароуннаҳрда 100 йилдан бери илмда, фикҳда, тилшуносликда, баёнда, тақвода, иффатда фақиҳ Абу Аҳмад Иёзий сингари киши чиқмаган³⁴».
4. Абу Муҳаммад Абдул Карим Паздавий. Паздавий нисбаси Бухоро йўлидаги Пазда қишлоғига нисбатдир. Абу Мансур ал- Мотуридийдан таълим олади. У кишига “Фаҳр ал-ислам” деган ном берилган. Шу билан бир қаторда асарларини тушуниш қийин

²⁹ Ал-Мотуридия. –Б. 104.

³⁰ Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. –Байрут: Дарул-кутубил илмийя. 1982. –Б. 222. (Бундан кейин: Табсирату-л-адилла)

³¹ Акоид матнари. –Б. 7-8.

³² Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳияти. –Б. 155.

³³ Ал-Мотуридия. –Б. 107.

³⁴ Табсирату-л-адилла. –Б. 220.

бўлгани сабабли “Абу ал-Уср” лақаби ҳам берилган. Қурашийнинг айтишича 390 йили Рамазон ойида вафот этган.

Асарлари:

Мотуридийнинг кўплаб асарлари мавжуд бўлиб, бу асарларни мавзуларга кўра номларидан келиб чиқиб уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Тафсир:

Мотуридийнинг “Таъвилот ал-аҳли сунна” ёки “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган тафсири бўлиб, у зод ҳақида ёзганларнинг барчаси бу китобларни эслаб ўтишади. Мазкур китоб Мотуридия акидасида маълум-у машҳур китоб бўлиб, Мотуридия акидавий йўналишидаги кишилар учун бу тафсир аввалда ҳам, кейин ҳам бемисл деб саналган³⁵.

Бу китоб тўлиқ ҳолда бизгача етиб келган бўлиб, уни кўплаб кўлёзмалари бор.

1391- ҳижрий йили Қоҳира шаҳрида китобнинг бир қисми Иброҳим Авзин ва Сайид Авзин томонидан тадқиқ қилинди бу қисм ўз ичига “Фотиҳа” сураси ва “Бақара” сурасини қарийб ярмини олади.

“Кашф уз-Зунун китоби муаллифи “Таъвилот ал-мотуридия фи баён усул ас-сунна ва усул ат-тавийл” номли боша китобини тилга олиб у ҳақда “бу узотдан кўзга кўринган издошлари кутган китоб бўлиб, шу сабабли у зотнинг китоблари ичида қабул қилиш енгил бўлган”. Бу асарни шайх Имом Оловуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандий жамлаган. Мазкур китобнинг аввалги жузиъ Ҳиндистондаги “Худобаҳш” кутубхонасида 294-рақам билан қайд этилган.

Доктор Аюб Али унга мурожат қилади ва эслатиб ўтишича мазкур китоб Мотуридийнинг тафсири бўлиб шарҳловчиси эса Оловуддин Абу Бакр Самарқандийдир.

2. Калом илми:

³⁵ Табсирату-л-адилла. –Б. 221.

1. “Китоб ат-тавҳид” Мотуридийнинг бу китоби калом илмига оид асарларининг энг аҳамиятга моликлиги ҳисобланади. Зеро, бу асарда у зотнинг калом илмига тегишли қарашлари қарор топган ва яна энг муҳим эътиқодий масалаларни баён қилган. Шу боисдан “Китаб ут-Таъвий Мотуридия ақидасини танитган асосий манбага айланди. Мотуридийлик ақидавий йўналишида Абу Мансур Мотуридийдан сўнг келган кишиларни барчаси у китобга таянишади. “Китоб ат-тавҳид” яна шунингдек турли исломий гуруҳлар хусусан Муътазила қарашлари зикр этилган каломга оид манбаларнинг дастлабкиларидан ҳисобланади.

2. Ақида бўйича рисолалар: Бу рисолаи Бағдодий “Ақида ал-Орифин” китобида, Фуат Сезгин “Тарих ат-Турос ал-Арабий” тилга олади. Сабкий ушбу рисолага “Ас-Сайфул Машхур фи-шаръий Ақидати Аби Мансур” номли шарҳ ёзади. Сабабки ушбу рисолаи Мотуридийга тегишли эканлигига шубҳа билдириб бу асарни ёзган киши Мотуридийнинг шогирдларидан бирор бири деб айтади.

3. Рисола фил имон бу рисолаи Абу Муъин Насафий Тамҳид китобида зикр этади.

4. Мақолот: Мотуридийнинг “Мақолот” китоби дастлабки “Мақолот” жанридаги китоблардан ҳисобланади. Бироқ китоб бизгача бирон-бир нусхаси бизгача етиб келмаган.

5. Баён ваҳмий ал-муътазила;

6. Радд таҳзибий ал-жадал;

7. Радд вайдий ал-фусак;

8. Радд аваилий ал-адилла;

9. Радд ал-усул ал-ҳомсат ила Аби Муҳаммад Боҳилий.

3. Усул ал-фикҳ:

Мотуридийнинг усул ал-фикҳ бўйича икки китоби бор бўлиб, биринчиси “Маъҳаз аш-шариъа”, “ал-Жадал” бу икки асар ҳақида унинг ҳаёти ва ижодини ёритган муаллифлар зикр қилиб ўтишади. Жумладан, бу ҳақида Аловуддин Бухорий мазкур икки асарни тилга олиб ўтади.

Имом Абу Мансур Мотуридий усул бўйича “Китоб ал-жадал” ва фикҳда “Маъҳаз аш-шариъа” китобларини таълиф қилганидан кейин шуҳрати яна ҳам ошиб кетди. Шундан кейин илми каломда шуҳрат қозониб, Хуросон аҳлининг мазҳаб соҳибига айланди³⁶. Мазкур икки китоб бизгача етиб келмаган.

Мотуридия йўналишининг машҳур олимлари:

1. Абу Юсур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид Паздавий (421/1035-493/1105).

2. Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътаид ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн Аби Фазл, Абу Муъин Насафий (438/1052-508/1120).

3. Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон Ҳанафий Насафий (462/1076-537/1145).

4. Аҳмад ибн Абу Бакр Собуний Бухорий (вафоти 580/1186).

5. Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Абдулҳамид ибн Абдулҳамид ибн Масъуд ибн Ҳамидиддин ибн Саъдиддин Сувайси Асир Искандарий (790/1402-861/1470).

6. Али ибн Султон Ҳиравий Қорий ал-Маккий ал-Ҳанафий (вафоти 1104/1630).

³⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –Б. 16. (Бундан кейин: Сунний ақийдалар).

1.2. Абул Ҳасан Ашъарий ва ашъария таълимоти

Ашъарийлик исломга оид калом мактаби бўлиб муътазиликдан чиққан Абул Ҳасан Ашъарийга мансуб бўлиб, бу мактаб муътазила йўналиши ва файласуфлар ва бошқаларнинг қарашларига каломга оид ва ақлий далил исботларни тушунишган. Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо Ашъарийнинг зурриётларидан³⁷ бўлиб, у зот Басра шаҳрида хижрий 260 йил, мелодий 873 йил таваллуд топганлар.

Унинг ҳаётини Абул Қосим Али ибн ал-Ҳасан ибн Ҳиббатуллоҳ ибн Асокир Дамашкийни ўзининг «Табайин Хизб ал Муфтари фима нусиба ила Аби Ҳасан Ашъарий китобида, Хатиб Бағдодий «Тариху Бағдод», Ибн Халликоннинг «Вафоятул аъён», Ибн Заҳабийнинг «Тарихул ислам», Ибн Носирнинг «Бидоя ван-Ниҳоя», Ибн Сабкийнинг «Табакотуш-Шофиъиа Кубро», Ал Муртада Зубайдининг «Итхаф ас-Саадат ал-Муттакин би Шарҳ Асрор Ихъёи улумиддин» китобларида ёзилган.

У Бағдодга келиб машҳур муҳаддис ва фақиҳ Зарайё ибн Яҳё ас-Сождан ҳадис илмидан таҳсил олади. Фикҳ илмини ибн Сурайждан олади. Шунингдек у Басра калом мактаби вакиллари бўлган Абу Халифа ал-Жумахи, Саҳл ибн Сарха, Муҳаммад ибн Якуб ал-Макрий, Абдурахмон ибн Халфалардан таҳсил олади.

У диний фалсафий қарашларини ўз устози ва ўғай отаси машҳур муътазила мутакаллим Абу Али Жуббоийдан олади. Кейинчалик муътазила оқимидан воз кечиб тавба қилади³⁸. Уларнинг айбларини фош қилган ва аҳли сунна вал жамоа имоми бўлишга эришган³⁹.

Ашъарий қирқ ёшигача муътазилия таълимотига эътиқод қилган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбида ушбу таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг ҳалқасида ўзини ноқулай

³⁷ Мавсуот ал-муяссара –Б. 87.

³⁸ Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ибана ан-Усули-д-дияна. Аббос Саббоҳ нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дору-н-Нафоис нашриёти. 1994. –Б 11-12; Абу-л-Фатҳ аш-Шаҳристоний. Ал-милал ван-нихал – Б.162.

³⁹ Сунний ақийдалар. –Б. 13.

сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмас эди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида савол беради. Унинг саволи қуйидагича эди:

Бу дунёда мўмин уч ака ука яшаб ўтган, уларнинг каттаси тоат-ибодатда ҳаёт кечирган. Иккинчи ака эса, гуноҳ, маъсият ишлар билан яшаган. Учинчиси эса сағирлик пайтида (балоғатга етмасдан) вафот этган. Уларнинг қиёматдаги ҳолати қандай бўлади?

Жуббойи жавоб беради: Катта ака аҳли такво бўлгани учун тўғри жаннатга тушади. Иккинчиси дўзахга тушади. Чунки у, осий банда бўлган эди. Учинчи ука эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам қирмайди. Чунки у гуноҳ ҳам, ибодат ҳам қилмаган.

Шунда Ашъарий эътироз билдира бошлайди: Аросатда қолган кичкина ука, - «Эй Роббим, сен менга катта акам сингари узоқ умр берганингда, мен ҳам умримни тоат-ибодат билан ўтказардим. Сен мени сағирлик пайтимда жонимни олдинг. Энди мен жаннатга киришдан маҳрум бўлиб қолдим, менинг айбим нима?!», -деб эътироз билдирсачи?.

Жуббойи жавоб берибди: Аллоҳ шунда айтади: «Мен сенга узоқ умр берганимда, сен иккинчи акангдек гуноҳкор банда бўлардинг. Чунки мен сенинг тақдирингни аввалдан биламан. Шунинг учун мен сенга раҳм қилиб, сағирлик пайтингда жонингни олдим».

Ашъарий ҳайрон бўлиб яна сўрайди: Агар иккинчи ака, - «Эй Роббим, сен менга узоқ умр бердинг, мен гуноҳкор банда бўлдим. Лекин сен мени кичик укам каби сағирлик пайтимда жонимни олсанг бўлмасмиди?! Шунда мен дўзахга тушишдан сақланиб қолар эдим». Ашъарийнинг ушбу эътироз сифатидаги саволига Жуббойи жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий муътазилия таълимотидан воз кечади.

Ашъарийнинг ўзи «ал-Ибана ан Усули-д-Дийана» номли китобида муътазилиядан қандай воз кечганини қуйидагича ҳикоя қилиб берган: Мен борган сари ушбу талимотдан беғибор борар эдим. Ундаги фикрлар мени

асло қониктирмас эди. Кечалари ҳам ҳаловатим йўқолган эди. Бир куни мен тунда уйғониб таҳажжуд намози ўқидим ва Аллохдан кўнглимдаги ғашликни даф қилишни ва мени ўз ҳидоятига бошлашини сўраб дуо килдим. Шу аснода мен уйқуга кетибман. Шунда тушимда Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрдим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.), - «Сенинг нажот топишинг фақат менинг суннатимни маҳкам тутишинг билан амалга ошади», - деб жавоб бердилар. Шундан сўнг мен бир неча кун уйда михланиб қолдим, жамоат намозларига ҳам чиқишни хоҳламас эдим. Лекин еттинчи кун жомеъ масжидига чиқиб, мўминларга шундай хитоб килдим: Эй биродарлар, мен елкамдаги ушбу тўнимни танамдан қандай ечиб улоқтираётган бўлсам, калбимдан ҳам бидъат эътиқодни шундай улоқтириб ташлаяпман. Мен бугундан бошлаб муътазилия таълимотидан воз кечдим ва умримнинг қолган қисмини ушбу таълимотга қарши курашга сарфлайман⁴⁰.

Ўша даврдаги фикрий ғоявий соҳага тўхталадиган бўлсак Абул Ҳасан Ашъарий бир гуруҳ мусулмон уламолари ва машҳур тасаввуф алломалари ва энг сўл эътиқод эгалари билан асрдош бўлди. Хусусан:

- Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий.
- Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий.
- Муҳаммад ибн Довуд Исфажоний.
- Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ханбал.
- Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий.

Энг сўл эътиқод эгалари:

- Жунайд.
- Ҳаллож.
- Ибн Ровандий.

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради. У шундай даврда ҳаёт кечирганки, ўша даврларда фикрий курашлар авжга чиққан ва «аз-Занч»

⁴⁰ Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти. (Монография). –Б. 129.

қўзғолони бўлган ва Карматийларнинг қўли баланд келиб Бахрайндан то Шомгача (Сурия) тарқалган эди.

“Табақот аш-Шофиъия ал-Кубро” асари муаллифи ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот бериб уларнинг яшаган даврларини еттига бўлиб чиққан:

Биринчи давр: даврда Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тоий, Абу-л-Ҳасан ал-Боғилый, Бандор ибн ал-Ҳусайн, Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Табарий;

Иккинчи давр: Абу Бакр ал-Боғилоний, Абу Бакр ибн Фурак;

Учинчи давр: Абдужаббор ибн Али ал-Исфароҳоний;

Тўртинчи давр: Ал-Ҳатиб ал-Бағдодий, Абулқосим ал-Қушайрий;

Бешинчи давр: Абу Ҳомид ал-Ғаззоли, Ибн Асокир, Абу-л-Фатх аш-Шаҳристоний;

Олтинчи давр: Фаҳриддин ар-Розий, Сайфиддин ал-Омидий, Иззуддин ибн-Абдусалом;

Еттинчи давр: Тақиюддин ибн-Даҳи ал-Ийд.

Асарлари:

Ашъарийнинг илмий мероси, яратган асарлари ҳақида турли итилофлар мавжуд. Баъзи тарихчилар унинг юзга яқин асарлари мавжуд бўлган деса, баъзилари элликдан ортиқ асарлар ёзганлари ҳақида маълумот берганлар. Ашъарий муътазила эътиқодида бўлган даврида ҳам ушбу таълимотга оид асарлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бизгача унинг муътазила таълимоти ҳақида бирон-бир асари етиб келмаган. Ас-Субкий ўзининг “Табақот аш-Шофиъия ал-Кубро” номли асарида Ашъарийнинг бир қанча асарлари ҳақида маълумот бериб ўтган.

1 “Ал-Умда фи-р-руқия”;

2 “Ал-Фусул фи-р-Радд ала-л-Муқлидин”;

3 “Ал-Муъжаз”;

4 “Имомат Аби Бакир ас-Сиддик”;

5 “Ҳолу-л-Аъмол”;

6 “Ал-Истеътоа”;

7 “Ас-Сифаат”;

8 “Арруиъя”;

9 “Ал-Асмо ва-л-Аҳком”;

10 “Ар-Радд ала-л-Мужассама”;

11 “Ал-Изоҳ”;

12 “Ал-Лумаъ ас-Сағир”;

13 “Ал-Лумаъ ал-Кабир”;

14 “Аш-Шарҳ ва-т-тафсил”;

15 “Ал-Муқаддима”;

16 “Ан-Насҳ ала-л-Жуббой”;

17 “Ан-Насҳ ала-л-Балҳий”;

18 “Мақолат ал-Муқлидин”; “Кашфуз-зунун” муаллифи асарида яна Ашъарийга:

19 “Тафсиру Абул-Ҳасан”;

20 “Изо ал-Бурон фи-р-Радд Ала Али-з-Зайиқ ва туғён” асарларини нисбат бериб ўтган.

Ашъарийнинг юқоридаги асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта “Мақолату-л-Исломийийин” ва “Ихтилофу-л-Мусоллим”, “Рисола Истеҳсоний-л-қавз фи илми-л-Калом”, “Ал-Лумаъ фи-р-Радд ала Али-з-Зайи ва-л-Бидаъ”, “Рисола-ила-аҳли-с-Сағир би Баби-л-Абваб”, “Ал-Ибана ан-усули-д-Диана” номли асарларининг илмий таҳлилий нашрлари амалга оширилган⁴¹.

Абул Ҳасан Ашъарийнинг вафот этган санаси ҳақида ҳам турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи манбаларда ҳижрий 330 йил (мелодий 941 йил) деб кўрсатилса, баъзиларида ҳижрий 330 йиллардан кейин вафот этгани айтиб ўтилган. Лекин аксарият манбаларда Ашъарий ҳижрий 324 йил (мелодий 936 йил) вафот этгани ва Бағдодда дафн қилингани ҳақида маълумотлар мавжуд. Абул Ҳасан Ашъарийнинг соф ислом ақидасини

⁴¹ Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти. (Монография). –Б.132.

сақланиб қолишида ҳамда турли ақидавий ботил таълимотларнинг йўқ бўлиб кетишидаги хизматлари ниҳоятда катта бўлган. Шунинг учун ҳам гарчи, ислом оламида “Аҳли сунна-вал-жамоа” эътиқодида кўплаб уламолар мавжуд бўлсада, унинг ақидавий қарашлари “ашъария” номи билан алоҳида таълимот сифатида эътироф этилган. Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг таълимотлари ўртасида фақатгина жузъий фарқлар бўлган ва улар асосан бир-бирини тўлдириб келган⁴². Шунинг учун ҳам ушбу икки таълимот ислом илоҳиётида тўғри таълимот сифатида эътироф этилган.

⁴² Абу Азба Ҳасан ибн Абдулмуҳсин. Ар-Равзату-л-баҳия фима байна-л-ашаъира ва-л-мотуридия – Байрут.: Дор. сабили-л-иршод, 1996. –Б. 125. (Бундан кейин: Ар-Равзату-л-баҳия)

1.3. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги фарқлар

Мотуридия ва ашъария таълимотларига эътибор қаратган киши мазкур икки таълимотлар орасида жуда катта яқинликка гувоҳ бўлади. Ушбу ўзаро яқинлик, ораларидаги иттифоқ ва келишувни вужудга келтиради. Натижада ҳар иккаласи «Аҳли сунна-вал-жамоа» йўналиши бўлиб танилган икки тоифага айланди. Бу масаланинг хайратланарли жиҳати шундаки, бу ўзаро яқинликни қандай тарзда юз берганидир. Зеро Мотуридий умрини Мовароуннаҳр диёрида ўтказиб, шу ерда вафот этади. Шу билан биргаликда манбалар уни ўзи яшаган мазкур диёрдан четга чиқиши ҳақида бирор маълумот зикр этилмаган.

Ашъарий ҳам таниқли ва машҳур сиймо бўлиб Ироқда яшаб ўша ерда вафот этади. Манбаларнинг бирор бири уни Ироқдан ташқарига чиқганини, айниқса Мовароуннаҳр диёрига сафар қилгани ҳақида маълумот бермайди. Мотуридий ва Ашъарий ўртасида на бевосита ва на билвосита алоқа эҳтимоли ушбу масалада учрамаган. Шу билан биргаликда, уларнинг ҳар иккаласи бир шайхдан ҳам таълим олмаганлар. Оқибатда, уларнинг бирлари иккинчиларидан беҳабар бўлган деган фикр устунлик қилади. Далил сифатида Мотуридийни бизгача етиб келган китобларида Ашъарийни мутлақо тилга олмаганлиги, шунингдек Ашъарий ҳам бизга етиб келган китобларида ҳам хусусан исломга оид тоифаларни барчаларини тилга олган «Китаб ул - Мақолот» китобларида ҳам Мотуридий ҳақида лом мим демаганларини келтиришимиз мумкин. У ҳолда, мазкур яқинлик қандай изоҳланади? Абу Заҳранинг айтишича: “юқоридаги яқинлик рақиб томонга бўлган икковларининг бирлашувларининг натижасидир. Бошқа тадқиқотчининг таҳлилига кўра мазкур яқинлик услуб (манҳаж)даги ўхшашликдир⁴³.”

Мотуридия ва ашъария таълимотлари ёйилиб, маълум бўлиб ҳар иккаласи ўз тарафдорларига эга бўлди. Аввал бошданоқ улар ўртасида низо ва қарама – қаршиликлар юзага келди, сўнгра улар ўрталаридаги низо

⁴³ Ал-Мотуридия. –Б. 491.

моҳияти очиб берилганида Макризийнинг айтганидек низоларга барҳам берди.

Бу эса ихлоfli масалани ҳисобга олишдаги икки тарафни ҳимоялануви бўлиб, пировардида ҳар икки нуқтаи назарида бир бирига яқинлик топди. Низо ва ихтилофлар тўхтади. Қуйида мазкур мавзу юзасидан ёзилган энг муҳим маълумотлар зикр қилинади:

- «Қасидат ун – Нуния ли-Таж ад-дин-Сабки» ўз табақотида шундай дейди: «Мен ҳанафийликка оид китобларни ўрганиб чиқдим. Бизни ва ҳанафийлар ўртасида ихтилоfli масалалар сони жами ўн учта бўлиб, ундан олтитаси маънавий, қолгани лафзий турли хилликдир. Ушбу олтита маънавий ихтилофлар уларни бизга нисбатан қаршилигини тақозо этмайди, шунингдек бизни ҳам уларга бўлган муносабатимиз уларни кофир деб билиш ёки бидъатчи санашликни тақозо этмайди» шунингдек мазкур қасидани муфассал шарҳлаган Муҳаммад ибн Аби-Аттойиб аш-Шерозий мазкур мавзуга оид байтларни қисқартириб Сабкийнинг сўзи билан қуйидаги байтни келтиради:

[يا صاح ان عقيدة النعمان والاشعري حقيقة الاتفاق](#)

Эй дўст, чинданда Нўмон ва Ашъарийнинг ақидаси моҳирона ҳақиқатдир.

- «Ишорат-ул-Муром мим- Ибарот ал-Имам» Баёзий ўзининг мазкур китобида ашъария ва мотуридия ўртасидаги ихтилофлар масаласини ёритиш учун бир фасл ажратади. Эслаб ўтишича улар ўртасидаги ихтилофда элликта масала кўзга ташланади, шу билан биргаликда ушбу ихтилоfli масалаларни кенг тарзда кўрсатиб беради.

- «Назм ал-Фароид ва-Жамъу фил-Баён ал-Масаил ал-Латий Вакоаъ ал-Ихтилоф байна ал-Мотуридия ва ал-Ашъария фий-ал-Ақида» муаллиф Абдурахим ибн Али бўлиб Шайхзода лақаби билан танилган. Муаллиф ўз рисоласида 40 та ихтилоfli масалани зикр этади ва ҳар иккаларини далиллари тилга олади.

- «Ар-Равзату ал-Бахияту фийма байна-ал-Ашъария ва-л-Мотуридия» муаллиф Ҳасан ибн Абдул-Мухсин ал машхур би Абий Уъзба. Муаллиф 13 та ихтилофли масалани кўрсатади. Ундан 7 таси лафзий 6 таси маънавий.

- «Қуррату ал-Айни фий Жамъи ал-баён» муаллиф 11 асрда яшаган ноъмалум шахс. Бу асарда 20 та ихтилофли масала кўрсатиб ўтилади.

- «Хилофияту ал-Ҳукамау маъ-ал-Мутакаллимий ва Хилафияту ал-Ашъарияти маъ ал-Мотуридия» муаллиф Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Мусо. У дастлаб жумхур мутакаллим ва файласуфлар ўртасидаги ихтилоф ва келишмовчиликларни сўнгра Муътазила ва Ашъария ўртасида ихтилофларни зикр қилади, кейинрок Ашъария ва Мотуридия ўртасидаги ихтилоф ва иттифоқ (якдил фикр ва турли хиллик)ни зикр этади.

- «Ал-ақида ал-Жавҳарий фий ал-Фарқ байна ал-Мотуридия ва Ашъария» муаллиф Холид ибн Аҳмад ибн Хусайн Нақшбандий. Мазкур рисолада фақатгина «касб» масаласи ҳақида тўхталинади.

- «Рисола фий ал-фарқ байн ал-Ашъария ва Мотуридия» муаллиф шайх Амир ал-Хотикий ал Форукий. Рисола мавзуси банданинг амалида ва иродасида жузъий ихтиёр мавжудлиги ҳақида бўлиб бунини муаллиф китоб муқаддимасида таъкидлаб ўтади.

- «Итҳафу ас-Сааъда ал Муттақин» китобидаги Зубайдийга тегишли матн бўлиб, бунда ашъария ва мотуридия ўртасида ихтилофли масалалар кўрсатиб ўтилган. Бунда муаллиф Сабкийга эргашиб унинг қасидасидаги байтлардан мисол келтиради⁴⁴.

Аҳли-сунна ва-л-жамоа ақидасини барча доираси икки қутб мутакаллимлари таълимотлари асослари. Уларнинг бири Абул Ҳасан Ашъарий, иккинчиси Имом Абу Мансур Мотуридийдир. Бас кимки улардан бирига эргашса ҳидоятга эришади ва ўз ақидасида адашиш ва бузуқликдан саломат бўлади⁴⁵.

⁴⁴ Ал-Мотуридия. –Б. 498.

⁴⁵ Ар-равзату-л-бахия. –Б.16.

Мотуридия ва Ашъария ўртасидаги лафзий ихтилофли масалалар куйидагилар:

- Имонда истисно қилиш масаласи. Ёзилишича Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига ва охират кунига имон келтирган мўмин қай тарзда ўз имонини ифода этиши керак? Мен ҳақиқатдан мўминман дейдими ёки мен иншааллоҳ дейдими?

Ҳадис аҳли ва Ашъарий истисно зикр этилиши керак дейдилар. Абу Ҳанифа ва жумхур уламолар истисно зикр қилинмайди дейишарди. Уларнинг фикрича мўмин ҳақиқатдан мўмин, кофир ҳақиқатдан кофир бўлади. Куфрда шубҳа бўлмаганидек, имонда ҳам шубҳа бўлмайди. Ижмоъга кўра иймонда шак шубҳа жоиз эмас. Кимда ким Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва расулларига Аллоҳ хоҳласа иймон келтирдим деса кофир бўлади.

Шунингдек истисно бошқа битимларни тузишни ҳам бекор қилади. Худди иншаоллоҳ сотдим ва иншаоллоҳ ижарага бердим мисолига ўхшаш иймон битимини тузишни кўтаради. Ашъарий томоннинг фикрича истисно боғлаб қўйишдир дейишади ва Қуръони Каримдаги «Ва бирон нарса ҳақида «мен албатта эртага қилгувчиман» дея кўрманг магар Аллоҳ хоҳласа (ден. Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) парвардигорингизни зикр қилинг» «Каҳф сураси» 23 – 24 оятлар⁴⁶. Истисно мозий ёки ҳозирда амалга оширилган бўлса боғлашлик тўхтатилади. Ҳанафий тарафдорлари далил қилиб Қуръондаги «ана ўшалар ҳақиқий мўминлар» «Анфол» 4 – оят⁴⁷ ва яна Қуръондаги « - ҳақиқий кофирлар⁴⁸».

Бу масала лафзи хилофлик сирасидан бўлиб, бунда саодатманд ва бадбахт ёки акси бўладими йўқми, деган савол илгари сурилади. Ашъарийнинг таълимотига кўра саодатманд кимсани бадбахт бўлиши ва бадбахт кимсани саодатманд бўлишини инкор қилади. Абу Ҳанифа

⁴⁶ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б.208.

⁴⁷ Ўша манба. –Б.117.

⁴⁸ Ўша манба. –Б. 208.

саодатманд гоҳида бадбахт бўлиши мумкин ва бадбахт ҳам гоҳида саодатманд бўлиши мумкинлигини жоиз деб билади. Айтишича саодатмандлик лавхулмавхузда мавхумликка битилган бўлиб бадбахтона қилмишлар билан бадбахтликка эришади. Бадбахтлик ҳам лавхулмавхузга битилган бўлиб, саодатманд кишиларга хос ишлар билан саодатмандликка алмашади. Шайх Абул Ҳасан Ашъарийнинг айтишича: Саодатмандлик ва бадбахтлик одам болалари тақдирига битилган бўлиб саодатманд бадбахтга, бадбахт саодатмандга алмашмайди ҳам қисмат ҳам бўлмайди. Ҳа гоҳида саодатманд бадбахт кимсаларни қилмишини қилиши мумкин. Шунда унга ёзилмиш тақдир илгариларди ва саодат аҳлининг амаллари билан жаннатга киради. Гоҳида бадбахт саодатманд кишиларнинг ишларини қилади. Шунда унга ёзилмиш тақдир илгариларди ва бадбахт кишиларни амаллари билан дўзахга киради. Бу бир ҳикмат бўлиб бунини фақатгина Аллоҳ ва у зот билдирган кишиларгина билади». Абу Ҳанифа Аллоҳ Таолонинг «(Эй Муҳаммад) кофир бўлган кимсаларга айтилганки, агар (кофирликларидан) тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур» «Анфол»⁴⁹ 38 – оятни далил келтириб Аллоҳ таоло исломдан илгари қилган гуноҳларини гарчи исломдан илгари кофир бўлсалар мағфират қилишини ва бунинг самараси ўлароқ саодатманд мумкин бўлишини таъкидлайди, шунингдек «Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) учурур ва (ўзи хоҳлаган ҳукмни) устивор қилур» «Раъд» сураси 39 оятини далил қилиб келтириб, тафсир қилишича тавба қилганда гуноҳу – маъсиятларини ўчиради ва тавбани устивор қилади ва ниҳоят Аллоҳ таолонинг «у зот ҳар куни иш – амалдадир». «Раҳмон»⁵⁰ сураси 29 – оятини далиллар қаторига қўшади.

Ашъарий далил қилиб пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг Ойша онамиздан ривоят қилган ҳадиси шундай дейилади: «Саодатманд онасини қорнида саодатли қилинган кишидир, бадбахт онасини қорнида бадбахт бўлган

⁴⁹ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б.119

⁵⁰ Ўша манба. –Б. 411.

кишидир⁵¹». Яна у зотнинг «Ораларингизда ўрни дўзахда белгиланмаган ва ўрни жаннатда белгиланмаган киши йўқ дедилар. Эй Расуллулоҳ тақдиримиздан умид қилмайликми ва амални даъво қилмайликми, – дедилар. Амал қилаверинглар, бас ҳамма нимага яратилган бўлса ўшанга муяссар бўлади».

- Ва кимда – ким бадбахтлардан бўлса, бас, у бадбахтлар қилмишларига яраша олади. Кимда – ким саодатмандлардан бўлса, бас, у саодатмандлар амалларига эришади дедилар, сўнгра “Ана энди, ким (ўз мол - давлатини камбағал – бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақаларни) ато этса ва (Аллоҳдан) кўркса, ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннатни бор эканини) тасдиқ этса, бас, биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз⁵². Ҳанафийлар бунга жавобан лавҳул - маҳфузда ёзилган тақдир Аллоҳ таолонинг сифати эмас, балки саодат ва бахтсизлик банданинг сифатидир. Бандага эса бир олатдан, бошқа бир олатга ўтиши жоиз бўлади. Қазо ва қадарга тўхталсак, у ўзгармайди. Чунки бу қазони белгиловчи зотнинг сифатидир. Кишилар 4 та фирқади: 1 – боши ва охири саодат билан белгиланган пайғамбарлар сингари бир фирқа, 2 – боши ва охири бадбахтлик билан белгиланган Фираъвн ва Абу Жаҳл каби фирқа. 3 боши бахтлилик, охири эса бадбахтлик билан белгиланган Иблис ва Балом каби фирқа. 4 юқоридаги белгилашнинг акси бўлган фирқа бўлиб, бунга мисол бўлиб Абу Бакр, Усмон ва Фиръавнни сеҳргари каби фирқа.

- **Учинчи ихтилофли масала:** кофирни мукофатланишида бўлиб, Имом Ашъарийнинг айтишича на бу дунёда, на охиратда неъматлар у билан мукофатланмайди. Абу Бакр эса: дунёвий неъматлар билан неъматланади дедилар.

- **Тўртинчи ихтилофли масала:** пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ва бошқа барча пайғамбарларни рисолати уларнинг вафотидан сўнг ҳам боқий қоладими? – деган савол юзасидан бўлиб, мазкур ихтилоф лафзи турли

⁵¹ Ал-Мотуридия. –Б. 45.

⁵² Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б.633.

хиллик сирасидандир. Ҳанафийликда улар ҳозирда ҳам расулдир – деб айтилади. Айнан шу қарашни бошқа сўзлар билан Ашърий қуйдагича таърифлайди: рисола ҳукмда ўзининг асл ўрнида турибди.

- **Бешинчи ихтилофли масала:** ирода ва ризо масаласида бўлиб, Ашърийнинг фикрича: мазкур тушунчалар бир – биридан фарқ қилади. Абу Ҳанифанинг фикрича: ирода ва ризо умумий тушунчалардир.

- **Олтинчи масала:** муқаллиднинг иймони юзасидан бўлиб, Ашърий бу турдаги иймонни тўғри эмас деб топди. Бироқ “Фикҳул-акбар китобида келишича тақлидчининг иймони тўғри саналади.

- **Еттинчи масала:** бу касб масаласидир. Ашърийлар мазкур масалани баён қилиб; агар банда жазм қилса Аллоҳ таоло унда ўша феълни яратади. Мазкур жазм шунингдек, феъл бўлиб, ва яна Аллоҳ таолонинг қудрати билан бўлади. Сунний ақидалари китобида бу ҳақида шундай дейилади: Уламолар касбни таърифлаб касб- мақсадни ҳосил қилиш устун сайъи-кўшиш қилиш ва сабаб бўладиган нарсаларни ишга солишдир дедилар⁵³.

- **Маънавий ихтилофларнинг биринчиси:** Аллоҳ таоло итоаткор бандасини азоблайдими ёки йўқми? – дейилган савол юзасидан бўлиб, Ашърий ҳам, Мотуридий ҳам Аллоҳ таоло шаръан ва воқеани бундай қилмаслигига иттифоқ қилганлар.

- Икки тоифа орасидаги ихтилоф ҳали эҳтимолликдандир. Ашърий бунга ақлан имкон беради, шаръан ножоиз деб топади. Абу Ҳанифа эса ақлан ҳам, шаръан ҳам мутлақо ножоиз деб топдилар.

- **Маънавий ихтилофларнинг иккинчиси:** Аллоҳ таолонинг танишлик юзасидан бўлиб, Аллоҳ таолони танишлик шаръан вожибми ёки ақлан вожибми? – деган савол қаршисида юзага келган. Ашърийнинг наздида шаръан вожибдир. Мотуридийнинг наздида эса ақлан ҳам вожибдир.

- **Учинчи масала:** бу Аллоҳ таолонинг яратиш, ризлантириш, тирилтириш, ўлдириш, бор қилиш каби сифат–ул-афъол азалими ёки

⁵³ Сунний ақийдалар. –Б. 247.

кейинчалик пайдо бўлганми? – деган савол қаршисида вужудга келди. Ҳанафийларни наздида уларнинг ҳаммаси қадимидир. Ашъарийларнинг фикрига кўра, Аллоҳ таолонинг мазкур феъли кейин пайдо бўлган бўлиб, у зот яратгандан сўнг, ризқ бергандан сўнг холи ва рози бўлди.

• **Тўртинчи масала:** бу Аллоҳ таолонинг аслида бор бўлган каломини эшитиш мумкинми ёки йўқми? – деган савол қаршисида вужудга келди. Ашъарий Аллоҳ таолонинг каломи эшитилади деди. Мотуридий ўзининг “Китаб ат-тавҳид” асарида овоз бўлмаган нарса билан эшитиш жоиз деди. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурақ ал-Исфаҳоний асли ашъарийлардан бўлиб, уни фикрича қорининг қироатида икки нарса эшитилади:

- Қорининг овози,
- Аллоҳ таолонинг овози,

Бунга далил қилиб, Тавба сураси 6 – оят мисол қилинади. (Ей Муҳаммад! Агар мушриклардан бирортаси сиздан ҳимоя сўраса, бас уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин.⁵⁴

• **Бешинчи масала:** бандага тоати етмайдиган нарса юкланадими ёки йўқми? – деган савол қаршисида юзага келди. Абу Ҳанифа банда зиммасида тоати етмайдиган нарсага мажбурлаш йўқ – деди. Далил Бақара сураси 286 – оят: Аллоҳ ҳеч бир жонни тоатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди. Ашъарийнинг айтишича: бандага тоқати етмайдиган нарса юкланиши мумкин. Далил сифатида юқоридаги оят давоми келтирилади: Парвардигор бизни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама⁵⁵.

• **Олтинчи масала:** бу пайғамбарлар катта ва кичик гуноҳлардан пок бўлишлари мумкинми ёки йўқми? – деган савол юзасидан келиб чиққан. Абу Ҳанифани айтишича пайғамбарлар катта ва кичик гуноҳлардан маъсумдирлар. Ваҳий келишидан аввалги даврда оз миқдорда кичик

⁵⁴ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 124.

⁵⁵ Ўша манба. –Б. 43.

гуноҳга йўл қўйганлар, сўнгра, расуллиқ келган пайтда ўз ҳолларига қайтиб, тўғри ва солиҳ бўлганлар.

II-БОБ. МОТУРИДИЯ ВА АШЪАРИЯ ТАЪЛИМОТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИМОН МАСАЛАСИДАГИ ФАРҚЛАР

2.1. Мотурудия таълимотида имон масаласи

Имон маъноси ва ҳақиқати.

Мотуридия таълимотини уламоларининг кўпчилиги Мотуридий бошчилигида имон фақат қалб билан тасдиқлашдир, деган фикрга иттифоқ қилишган, баъзилари эса имон қалб билан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлишдир, – дейишган. Ушбу сўзларни тўғрилигига қуйидагилар далил қилиб келтирилади:

1) Имон луғатда тасдиқдир. У ўзининг ушбу луғавий маъносида қолган. Бошқа маънога кўчмаган. Улар бу фикрларга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини далил қилиб келтирганлар: (Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз). Юсуф сураси 17-оят⁵⁶. Абул Муъин ан-Насафий ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Жумладан: бу ҳақда ўз асарида қуйидагиларни айтади: имон тилшунослар наздида, тасдиқлашдан бошқа маънода эмас. Ким бу сўзни тасдиқлашдан бошқа маънода ишлатса луғатдаги бир маънодаги тушунарли исмни тушунарсиз шаклга солган бўлади. Борди–ю бу шаклда ишлатиш ўринли бўлганида эди тилга оид ҳар бир қисмда шу тақлид фойдаланиш мумкин бўларди. Бу ҳол эса ўз навбатида тилдаги беҳудаликка, луғатни тўсилишига олиб келади⁵⁷.

Баъзи олимлар юқоридаги қарашларга қарши ўлароқ қуйидагиларни келтирадилар: мотуридийнинг фикрларига бир неча йўл билан раддия билдириш мумкин:

1) Уларга шундай деб айтилади: Қуръон ва ҳадисдаги лафзларнинг тафсири ва уларда нима ирода қилинганлиги пайғамбаримиз (с.а.в.) томонидан баён қилинган бўлса, луғат аҳли ва бошқаларни сўзлари билан далил келтиришга ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам, фақиҳлар айтишганки қисмлар учтадир:

⁵⁶ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маънолар таржима ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети 2007. –Б. 235. (Бундан кейин: Қуръони Карим).

⁵⁷ Табсирату-л-адилла. –Б. 800.

Биринчиси: чегараси шариат билан белгиланган, намоз, закот сингари қисмлар;

Иккинчиси: Қуёш, ой каби чегараси луғат билан белгиланган қисмлар; Учинчиси: урф, одат билан белгиланган исмлар; Мисол: (улар билан тотув турмуш кечиринглар)⁵⁸. Нисо сураси 19-оятдаги (тотув) араб тлидаги (маъруф) сўзи сингари. Намоз, закот, рўза, ҳаж ва боша нарсалар ҳақида пайғамбаримиз улардан нима ирода қилинганлигини баён қилиб қўйганлар. Агар кимки Набий (с.а.в.)нинг баён қилганларини бошқача қилиб баён қилса, унинг сўзлари қабул қилинмайди⁵⁹.

Мотуридийнинг таълимотига кўра: 2) Куфр имоннинг зиддир. Куфр ёлғонга чиқариш ва юз буришдир. Бу иккиси қалбда бўлади. Имон билан куфрнинг бир–бирига зидлиги ҳам шундадир. Насафий ҳам мазкур фикрларни тасдиқлаб шундай деди: Аллоҳ таоло куфрни имонни муқобилига қўйди. Бунга далил сифатида Бақара сураси, 256 – оятини келтиради .(Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса...⁶⁰.

Салафийлар эса бунга раддия бериб, иймонни билан тасдиқлаш сўзларининг синонимлиги, ҳақидаги юқоридаги фикрларни нотўғри деб биладилар. Уларнинг фикрига кўра, агар бирор киши хабар келтирса, у хабар рост бўлса хабарни тасдиқлайман дейди. У хабарга имон келтираман демайди. Сўзларини исботлаш мақсадида Қуръони Каримдаги (Бас, Лут унга имон келтирди) Анкабут сураси 26-оятни келтиради⁶¹. Имон лафзи фақатгина айб ҳақидаги хабар юзасидан ишлатилади. Бир киши куёш чиқди деса, хабар рост бўлса, тасдиқлаймиз – деймиз бироқ имон келтирдик деб айтмаймиз.

Мотуридийнинг таълимотига кўра Аллоҳ таоло имон билан амалларни орасини ажратиб қўйди. Кўпгина оятларда амал имонга атф –

⁵⁸ Қуръони Карим. –Б. 79.

⁵⁹ Ал-Мотуридия. –Б. 455.

⁶⁰ Қуръони Карим. –Б. 42.

⁶¹ Ўша манба. –Б. 362.

килинган(яъни,боғловчи ёрдамида боғланиб келган). Атф – эса бири-бирига ўхшамасликни тақазо қилади.

Аллоҳ таоло мўминларга амални фарз қилишдан илгари; имон келтирганлар; деб хитоб қилган. Шунинг ўзи амални имонга кирмаслигига далил бўлади. Насафий бу ҳақда; Аллоҳ таоло имон ва барча ибодатларни қайд қилган қисмлар билан ажратиб қўйди. Мисол қилиб Қуръони Каримдаги (Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни мукаммал қилган, закот берган, фақат Аллоҳдангина кўрққанлар обод қилурлар, деб далил сифатида оятни келтирадилар.

Яна шунингдек, (албатта, имон келтириб, эзгу ишларни қилган ва парвардигорлари(тоати)га бўйсунганлар, ана ўшалар жаннат аҳлидандирлар, улар у ерда мангудирлар)⁶² Худ сураси 23 – оятни далил қилиб келтиради. Шунингдек, Аллоҳ таоло бирор нарсага буйруқ бериб, агар мўмин бўлсангизлар – дея хитоб қилиши ҳам мазкур фикрни тасдиғи бўлади. Яна Аллоҳ таоло Эй мўминлар, – деб хитоб қилиши сўнгра, амалларга буюриши, имон амаллар билан бўлади, деган фикрни бекор қилади. Мисол сифатида Аллоҳ таолонинг (Эй иймон келтирганлар, тақволи бўлишингиз учун сизлардан олдинги(уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза фарз қилинди)⁶³, – деган оятини келтиришимиз мумкин.

Аллоҳ таоло куфр ҳақида шундай деди: (куфрдан кофир бўлганларга айтинг, агар (куфрдан) тўхтасалар, ўтмиш гуноҳлари кечирилур)⁶⁴ Анфол сураси 38-ояти куфрдан тўхташлик имон воситасида вужудга келади. Агар амалларни барчаси имон бўлганда эди, куфрдан тўхтаган киши барча тоатларни қилмагунча тўхтагувчи бўлмас эди. Аллоҳ таоло иймонни солих амалларни бажаришлик учун қуйидаги оят билан шарт қилиб қўйди. (Бас, ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса унинг сайъи-ҳаракати

⁶² Қуръони Карим –Б. 224.

⁶³ Ўша манба. –Б. 28.

⁶⁴ Ўша манба. –Б. 181.

зое бўлмас. Биз уни ёзиб олгувчимиз)⁶⁵. Анбиё сураси 94-оят. Агар имон барча эзгу ва яхши амалларни исми бўлганида эди, ўша нарсаларни шартли бўларди ва омиллар бўлмаса мазкур нарсалар юзага келиши керак эмас эди. Бу масала юзасидан кўплаб далилларни чўзилиб кетишдан ҳимоялаш мақсадида зикр этмаймиз⁶⁶.

Таҳовийнинг зикр қилишича, маслакдошларининг кўпчилиги имон тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқлашдир – деган фикрдалар. Яна шунингдек, тил билан иқрор бўлишлик асли бўлмаган, орттирилган рукндир, – деган қараш эгалари ҳам мавжуд бўлиб, бу фикрлар Абу Ҳанифа ва Мотуридийлардан ривоят қилинган ҳолда шу фикрни илгари суришади⁶⁷. Амални имонга атф қилиш бир – бирига ўхшамасликни тақозо этиши ҳақидаги далилларга қарши томон қуйидагича жавоб беради: агар имон амал билан бирга келмаса, бу ўринда амал тутиш лозим бўлади. Чунки қалбда имоннинг борлигини амалларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Далил қилиб Қуръони Каримдаги қуйидаги оят келтирилади: (Ҳақиқий мўминлар, фақат Аллоҳ ва унинг пайғамбарига имон келтириб, сўнгра ҳеч қандай шак-шубҳа қилмаган ва молу- жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир)⁶⁸. Хужурот сураси 15 – оят.

Шунингдек, пайғамбаримиз (с.а.в)нинг: “зинокор мўмин бўлган ҳолида зино қилмайди”, яна шунингдек, “ким бизга хиёнат қилса биздан эмас” каби ҳадисларни далил сифатида келтирадилар.

Амални имонга атф қилиниши турли хилликни тақозо этмайди, балки аксинча умумийликдан хусусийликка, тўлиқликдан бир жузъга атф қилишлиқдир. Мисол сифатида қуйидаги оят келтирилади: (Беш вақт фарз (қилинган) намозларни, хусусан ўрта намозни сақлангиз (ўз вақтида ўқингиз)⁶⁹. Бақара сураси 238-оят.

⁶⁵ Қуръони Карим –Б. 295.

⁶⁶ Табсирату-л-адилла. –Б. 802.

⁶⁷ Аҳмад ибн Муҳаммад Шокир. Шарҳ таҳовия фил ақида ас-салафия. –Ар-Риёд. Визарат аш-шуун ал-исламия вал-авқоф, 2000. –Б. 314.

⁶⁸ Қуръони Карим –Б. 392-393

⁶⁹ Ўша манба. –Б. 30.

Яна шунингдек, Аллоҳ таолонинг (Ким Аллоҳга ва унинг фаришталарига, Жаброилга ва Микоилга душман бўлса (у Аллоҳга душмандир) – деган оятини ҳам мисол қилишади)⁷⁰. Яна шунингдек, (мўминларни энг имони мукаммали, хулқи чиройлиларидир, – деб айтилган ҳадисни келтиришади. Салафлар имонни эътиқод сўз, амал ва ният эканлигига ижмоъ қилишган. Имом Бухорий дедилар: Мен Ҳижоз, Макка, Мадина, Куфа, Басра, Бағдод, Шом, Миср ва бошқа ерлик аҳолидан мингдан ортиқ одам билан учрашдим, мен уларни қарийб олти йилдан бери танийман аммо, уларнинг бирортасини дин сўз ва бошқа амаллардур – деган сўзга қарши чиққанларини кўрмаганман.

Имом Абдул Барр айтади: фикҳ ва ҳадис аҳли имон сўз ва амалдир. Ниятсиз амал йўқ – деган ижмоъга келишган. Иймонни зиёда бўлиши ва камайиши.

Бу масала аввалгиси билан узвий боғлиқдир. Чунки мотуридия таълимоти уламолари имон тасдиқдир, амаллар иймонга кирмайди, имонда кўпайиши ҳам, камайиши ҳам йўқ зероки, тасдиқлаш зиёда ёки нуқсонли бўлиши мумкин эмас.

Ал-Ҳаким Мотуридий Самарандий айтади: шуни билиб олиш керакки, имон зиёда ва нуқсонли бўлмайди. Ким имон зиёда ёки кам бўлди деса у бидъатчи бўлади. Чунки, зиёдалиқ ва нуқсон амалларда бўлади. Уламолар ва солиҳлардан ҳеч ким имон зиёда ёки кам бўлади демаган.

Абул Муъин ан-Насафий айтади: имон тасдиқ бўлгач, тасдиқ эса зиёда бўлмайди. Бу эса имонни кўпайиши ва камайиши йўқлигига далилдир. Имон тоатларни кўпайиши билан зиёдалашмайди, гуноҳлар туфайли камаймайди. “Барул калом” асарида бу ҳақда шундай дейилади: Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва унинг издошларининг наздида имон зиёда ҳам нуқсонли ҳам бўлмайди. Имом Шофеъий имонда зиёдалиқ ва нуқсон бўлади дедилар ва ҳужжат сифатида Аллоҳ таолонинг (У(Аллоҳ) ўз имон – ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига

⁷⁰ Қуръони Карим. –Б. 458.

сакинат-ором туширган зотдир)⁷¹. Фатҳ сураси 4 – оятни, шунингдек, (Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига кўринч тушадиган, унинг оятлари тиловат қилинганида имонлари зиёда бўладиган ва парвардигорларигагина суянадиган кишилар (хақиқий) мўминдирлар⁷². Анфол – сураси 2 – оятни келтириш билан биргаликда Абу Ҳурайрандан ривоят қилинган (Агар Абу Бакрнинг имони билан, барча умматимни имони ўлчанса, Абу Бакрнинг имони оғир келади) – дейилган. Ҳадисни, яна (кимнинг қалбида бир арпа мислича имони бўлса дўзахдан чиқади) – дейилган ҳадисни келтиришади.

Бизнинг ҳужжатимиз шуки имон тасдиқдан иборат экан унда зиёда ва нуқсонга ўрин йўқ. Аммо Фатҳ сураси 4–оят саҳобалар ҳақида бўлиб, улар даврида Қуръон оятлари нозил бўлар, саҳобалар уларни тасдиқлашарди. Анфол сураси 2– оятда эса мўминларнинг сифати назарда тутилган бўлиб, мўминлар тоат ибодатда бир-бирларидан ажралиб турадилар. Аммо имон масаласида ундай эмас.

Ибодат ва тоатни ортиши билан амаллар кўпаяди, бироқ имон кўпаймайди. Гўё уйда ўн нафар киши бор эди, уйга бир аёл кириб келди. Аёлнинг уйга кириши билан одамлар сони ортди лекин эркаклар адади аввалгидек қолди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг сунний ақийдалар китобида бу ҳақда қуйидагилар келтирилади: Имоннинг зиёда ва кам бўлиши кўпгина тортишувларга сабаб бўлган масаладир. Лекин аҳли сунна ва жамоа уламолари тортишувлари моҳиятда эмас, суратдадир. Баъзилар тўғридан-тўғри: имон зиёда ва нуқсонли бўлади, десалар бошқалари имоннинг асли бир, аммо унга тааллуқли ишлар ва амаллар зиёда ёки кам бўлади дейдилар.

⁷¹ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 486.

⁷² Ўша манба. –Б. 145.

Бу тортишувларга уларнинг иймонни турлича таърифлари сабаб бўлган. Имон тасдиқ, иқрор ва амалдан иборатдир деганлар, имон зиёда ва ноқис бўлади деганлар.

Имон тасдиқ ва иқрордир деганлар, имон зиёда ёки ноқис бўлмайди, лекин амал зиёда ва ноқис бўлади, деганлар.

Икки тараф қуйидаги оятларни ўз таърифларига биноан тафсир қилиб, бирлари зоҳирий маънони олган, бўлсалар, иккинчилари амалга таъвил қилади.

1. “Вақтики, уларга у зотнинг оятлари тиловат қилинса, имонларини зиёда қилур”. Анфол сураси 2 – оят.

2. “Аллоҳ хидоятга юрганларнинг хидоятини зиёда қилур”. Марям сураси 76 – оят.

3. “Имон келтирганлар имони зиёда бўлур”. Мудассир сураси 31–оят.

4. “Имонларига имон зиёда бўлиши учун”. Фатҳ сураси, 4–оят.

Дунёвий ишларда зоҳирга биноан ҳукм чиқарилади. Уламоларимиз ислом мусулмонлар жамоаси ҳақидир, имон Аллоҳ таолонинг ҳақидир, дедилар. Имон қалбга боғлиқ ҳақиқат бўлиб, унинг ҳақиқатидан ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзидан бошқа бирорта зот хабардор бўла олмайди. Бу Аллоҳ таолонинг ўзига хос ҳақиқатдир.

Имон бўйича баҳони ҳам, мукофат ёки жазони ҳам фақатгина Аллоҳнинг таолонинг ўзи беради. Мўмин-мусулмонлар эса, зоҳирий аломатларга қараб муомала қиладилар. Уларнинг одамлар ичидаги ҳақиқатни билишга имконлари йўқ ва бу нарса улардан талаб қилинган ҳам эмас. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўзининг Муснад асарларида Усома ибн Зайд(р.а)дан қуйидагиларни ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в) бизларни Жуҳайнони ерларига урушга юбордилар. Биз уларни тонг чоғида босдик. Уларнинг ичида бир одам бор эди. Улар биз томонга бостириб келсалар, ўша одам бизга қарши энг ашадийларидан эди. Агар очсалар, у орқаларидан ҳимоя қилиб борар эди. Мен ансорийлардан бири билан унинг устига бостириб бориб олдим. Биз унга етай деб олганимизда у: Ла

Илаҳа Иллаллоҳ - деди. Ансорий тўхтади. Мен уни қатл қилдим. Бас, бу Расулуллоҳ (с.а.в.)га етиб борди. Бас, у зот: Эй Усома “Ла Илаҳа Иллаллоҳу” деганидан кейин ҳам қатл қилдингми? - дедилар. Эй, Аллоҳнинг Расули уни ўлимдан қутилиш учун айтди дедим. У зот ўз сўзларини қайта-қайта такрорлайвердилар, ҳаттоки ўша кунгача мусулмон бўлмай турсам бўлар экан, - деб орзу қилдим.

Ушбу ривоятни Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ҳам келтирганлар. Ибн Ҳишомнинг ривоятларида: Расулуллоҳ(с.а.в) хузурларига келганимизда хабар бердим. Шунда у зот, Эй Усома “Ла Илаҳа Иллаллоҳдан кейин сенга ким шафоат беради? - дедилар. Эй, Аллоҳнинг Расули, уни ўлимдан қутилиш учун айтди дедим. Эй, Усома “Ла илаҳа Иллаллоҳдан кейин сенга ким шафоат беради? - дедилар. Ул зотни ҳақ ила юборган зотга қасамки, менга ўша гапларни такрорлайверганларидан исломдан олдин ўтгани бўлмаса эди, бугун исломга кирган бўлсаму уни қатл қилмасам эди, деб орзу қилдим ва Аллоҳга ҳад бериб айтаманки, энди ҳеч ҳам “Ла Илаҳа Иллаллоҳ”ни айтган одамни қатл қилмайман - дедим⁷³.

Юқоридаги фикрларга қарши томон Қуръони Каримдан қуйидаги оятларни келтиради: Оли Имрон 173-оят; Анфол 2-оят ; Марям 76-оят; Фатҳ 4 -оят; Мудассир 31-оят ва бошқалар.

Шайхул ислом Ибн Таймия айтади: Имонинг зиёда ва кам бўлиши ҳақида саҳобалардан ривоят собит бўлган. Саҳобалар бу борада хилоф қилмаганлар⁷⁴.

Имом Нававий айтадилар: Тасдиқнинг ўзи назар солишнинг кўп бўлиши ва далилни аниқлигига қараб зиёда бўлади. Шунинг учун ҳам сиддиқларнинг имони бошқаларникидан кучлироқ бўлади. Уларга шубҳа аралашмайди. Уларнинг қалби доим нурли ҳолда бўлади, ҳаттоки турли

⁷³ Сунний ақийдалар. –Б. 248.

⁷⁴ Шайхул ислом Аҳмад ибн Таймия. Шарҳ ал-ақида ал-васития. Ар-Риёд. Мактабул маърифат, 1982. –Б. 11.

⁷⁴ Ал-Мотуридия. –Б. 459.

ҳолатларга тушсаларда. Бошқаларнинг имонлари эса бундай эмас. Бу эса инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир⁷⁵.

Имонда истисно масаласи

Имонда истисно қилиш деганда – банданинг мен, Худо хоҳласа мўминман – дейишидур. Бу масаладаги хилоф ҳам, албатта, имоннинг ҳақиқати борасидаги хилоф билан боғлиқдир. Имонда истисно қилиш масаласи фақиҳлар ва мутакаллимлар шуғулланган муҳим масалалардан биридур. Улар унда уч хил асосий қарашда тўхталишади.

Истисно қилиш вожибдир деган қараш ал-Килоби ва унинг издошларига оид, истисно қилиш ман қилинган деган қараш Муржиъийлар ва жаҳмийларга оид, истисно қилиш ҳам ўз ўрнида жоиз деган қараш аҳли сунна вал-жамоага оиддир⁷⁶.

Мотуридия таълимотида имон тасдиқдир ва у зиёдалик ва нуқсонни қабул қилмайди деганлари учун истисно қилишни ножоиз санайдилар. Уларнинг айтишларича имони шакдир. Кимнинг тасдиғида шак бўлса, у кофирдир.

Мотуридий айтганлар: “Бизнинг асл қоида имонда истисно қилмаслиқдир. Зероки тўлиқ имонни маъноси истисно қилинса дуруст бўлмайди. Абу Муъин ан-Насафий айтади: имон тасдиқнинг исмидир. Тасдиқ – эса хади белгиланган ҳақиқатдир. Бу хаднинг бор экан шунинг ўзи билан мўмин ҳисобланади. Масалан, ўтириш, уларнинг ҳақиқати унинг, маъноси равшан. Бундан билиниб турибдики, тасдиқ топилса, имон ҳам топилади. Мен Иншааллоҳ мўминман деган одамнинг гапи худди, мен Иншааллоҳ ўтираман – деган гапга ўхшайди. Бизнинг қарашларимиз тўғрилигига далил сифатида Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларини келтирамиз: пайғамбар ўзига парвардигоридан нозил қилинган нарсга иймон келтирди ва мўминлар(ҳам имон келтирдилар)⁷⁷. Бошқа оятда эса, Аллоҳ таоло қатиъий сўз билан: Парвардиго, албатта биз: Парвардигорингизга имон

⁷⁶ Ар-Равзату-л-бахия. –Б. 28.

⁷⁷ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 34- 35

келтирингиз! - деб имонга чорлаган жарчи (Муҳаммад (с.а.в.) нидоларини эшитдигу иймон келтирдик⁷⁸.

“Бахрул калом” асарида ёзилишича жумладан шундай дейилади: Хужжатимиз шуки истисно қилиш ул озод қилишда, никоҳда, баяът қилишда шунингдек иймонда ҳам ҳадни бузади. Биз ижмоъ қилган нарса шуки кимки иймонни истисно қилса кофир бўлади, чунки у иймонда шубҳа қилган бўлади⁷⁹.

Абу Ҳанифадан унинг яқинлари сен мўминмисан? –деб сўрашди. У зот ҳа,–дедилар. Улар Аллоҳни ҳузурида ҳам мўминмисан? –дедилар. Шунда Абу Ҳанифа мени илму салоҳиятим ҳақида сўраяпсизми ёки Аллоҳнинг илму азамати ҳақида сўраяпсизми? – дедилар.Улар сени илму салоҳиятинг ҳақида сўраяпмиз дедилар. Абу Ҳанифа эса мен ўзимни илмим билан ўзимни мўмин деб биламан ва Аллоҳ азза ва жалла номи билан қасам ичмайман – дедилар⁸⁰.

Мотуридийлар, Ашъарийлар, Салафийлар ва Муржиъийлар ўртасида истисно масаласидаги турли фикрларнинг боиси ўзлари эътиқод боғлаган имон ҳақиқати билан узвий боғлиқдир

Иймон ва ислом:

Мусулмонлар орасида пайдо бўлган хилоф ва низо имон ва ислом атамалари орасида боғлиқ масаладир. Бунинг сабаби бу икки атамани кўп тилга олингани бўлиб, аксарият кўп истеъфода этиладиган сўзлар бир жойда турланувчи бўлса, бошқа бир жойда маълум маънога боғланган ҳолда намоён бўлади. Бу эса сўзларнинг баъзи маъноларида шубҳа пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу нарсани кўп қулоққа чалиниши эса шубҳаланувчиларни сонини кўпайишига олиб келади. Кимки илмга асосланиб иш кўрса, ўша нарсанинг умумий жиҳатларини ва истеъмолини билиб олади, шубҳаларни келиб чиқиш сабабларини англаб етади. Мазкур масала юзасидан уч хил қараш мавжуд:

⁷⁸ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 52.

⁷⁹ Абул Муъин ан-Насафий. Бахрул калом. –Ар-Риёд. Визарат аш-шуун ал-исламия вал-авқоф, 2000. –Б.

86.

⁸⁰ Ар-Равзату-л-баҳия. –Б. 29.

1. Имон ва ислом бир нарсанинг исмидир,
2. Ислом сўздир, иймон амалдир.

3. Бунда кенгроқ баён қилинган, чунки, имон ва ислом бир–бири билан бирикиб кетиши ва ажралиб туриши бошқа–бошқа ҳолатдир. Агар улар бирикиб кетса исломдан мурод зоҳирий амаллар, иймондан эса ботиний ишлар тушунилади. Агар ажратилса уларнинг маъноси бир хил бўлади ва барча зоҳирий ва ботиний дин ишлари тушунилади.

Мотуридия таълимотида бу масалада имон ва ислом бир нарсадир, уларнинг орасида фарқ йўқ, улар бир–биридан ажралмайди, агар бири йўқ бўлса иккинчиси ҳам йўқолади – деган қарорга келишган. Мотуридий ва унинг издошлари мазкур фикрларга бир неча далиллар келтиришган. Диний нуқтаи назардан уларнинг бир хиллиги шундаки, имон ал ва нал Аллоҳ таолонинг бирлигини тасдиқлашдир. Инчунун яратиш ва амр этиш у зотнинг ўзигагина хослигини, бу борада унинг ҳеч қандай шериги йўқлигини эътироф этиш ва ислом эса банданинг бутун борлиғи билан бўйсунитидир. Демак, бу икки атамадан кўзланган нарса биттадир. Асл қоида шуки имоннинг барча шартларини муслим бўлмаслик ва ёки исломнинг барча шартларини адо қилиб мўмин бўлмаслик тасаввурга сиғмайдиган ҳолатдир. Бундан кўриниб турибдики, иккаласи ҳам битта нарсадир. Яна шу нарса маълумки, бу иккисининг бири билан аталадиган нарса бошқаси билан ҳам аталиши мумкин. Қолаверса, динлар бири бошқасидан амаллар жиҳатидан эмас балки эътиқод нуқтаи назаридан фарқ қилади. Далил сифатида Қуръони каримдаги Оли-Имрон сураси 19 ва 85-оятлари келтирилади: “Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат ислом динидир”⁸¹. Кимда ким исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг дини Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охирада зиён кўргувчилардандир”⁸².

Мўминлик сифати билан сифатланган киши уч ҳолатда бўлади:

⁸¹ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 37.

⁸² Ўша манба. –Б. 43.

1. Аллоҳ таолонинг дини исломни адо қилади.
2. Исломни ҳаммасини эмас, балки баъзисини адо қилади.
3. Исломдан бошқа динни танлайди.

Кимки биринчисини қилса у анашу йўлни танлабди. Ким иккинчисини қилса, у исломни дин сифатида танлабди. Ким учинчисини қилса, мўминлар ҳовлисидан жаҳаннамга кирур. Шунингдек, улар мазкур икки атама битта нарса эканлигига Қуръони каримдаги ушбу оятларни келтиришади: “Айтинг (Эй Мухаммад), Аллоҳга ва бизга нозил қилинган китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсага, Мусо ва Исога берилган нарсага ва барча пайғамбарларга парвардигори тарафидан берилган нарсага ишондик”⁸³.

Мусо у (имон келтирган кишиларга)деди: “Эй қавмим агар Аллоҳга имон келтирар экансизлар, демак, мусулмон бўлсангизлар, унинг ўзигагина суянинглар-таваккул қилинглар!”⁸⁴ Юнус сураси 85-оят.

Улар сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: “Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки, агар (имонларингизда) содиқ бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур”⁸⁵. Ҳужурот сураси 17-оят.

Бас, биз у жойдаги мўминлардан бўлган кишиларни чиқариб юбордик. (лекин) у жойда бир ҳонадондан (яъни Лут пайғамбар ҳонадонидан) ўзга мусулмонларни топмадик”⁸⁶. Ваз-зориёт сураси 35-36 оятлар.

Абу Муъин ан-Насафий шундай дедилар: “Инсонлар Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида уч тоифа эдилар: Мўминлар, кофирлар, мунофиқлар. Тўртинчи тоифа мавжуд эмас экан, у ҳолда мусулмонлар қаерда эдилар? Агар улар мўминлар билан эди десалар ўз фикрларига қарши чиққан бўладилар”⁸⁷.

⁸³ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 17.

⁸⁴ Ўша манба. –Б. 143.

⁸⁵ Ўша манба. –Б. 393.

⁸⁶ Ўша манба. –Б. 398-399.

⁸⁷ Табсирута-л-адилла. –Б. 820.

Уламолар Ислом бу имонни ёки ундан бошқа нарсами деган масалада ихтилофга боришди. Олдиларига қўйилган савол агарчи ислом имондан бошқа нарса бўлса уни боғловчиси ёки ундан узиб қўйишни шарт этувчи омил борми? Баъзилар ҳар иккаласи бир нарсадир десалар, баъзилар эса бу икки тушунча ўзаро бир-бирига бўлинмайди –дедилар. Учинчи қараш вакиллари эса ҳар иккаласи икки хил тушунча бўлишига карамай бири иккинчисига боғлиқдир дедилар. Биз мазкур уч хил қарашнинг хулосаларнинг биринчиси луғат тақозоси боис вужудга келган бўлса иккинчи хулосанинг сабаби шарият назарда тутилган омилдир ва ниҳоят охири қарашга тўхталсак, ҳар икки тушунчани дунё ва охирадаги ҳукми юзасидан айтилган деб айтамыз⁸⁸.

Ислом ва иймон бир маънони ифода этишига қарши чиққан баъзи олимлар мотуридийнинг фикрларига қуйидагича раддиялар берадилар: “Мотуридия таълимоти уламоларининг келтирган самий далиллари ўзларига қарши далиллардир. Хусусан, Оли-Имрон 85 ва Моида Зоятлари бўлиб, зеро, ушбу оятларда Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги мақбул дин имондир дейилмади. Шунингдек, сизларга имонни дин қилиб бердим ҳам дейилмади. Яна кимки имондан бошқасини дин деб билса ёки сизларга имонни дин қилиб бердик ҳам деб айтилмади.

Бундан маълум бўладики, имоннинг асли қалбнинг маърифатидир ва тасдиқ сўзидир. Амал эса шу илм билан тасдиқга тобе, ажралмас нарсадир. Банда илм ва тасдиқ билангина мўмин бўлади. Ислом эса фақат сўз билан амалдир. Илм ва тасдиқ ислом атамасининг бўлаги эмас. Шунингдек, Набий (с.а.в.) кечаси уйқудан турганларида “Аллоҳим сенга таслим бўлдим ва сенга имон келтирдим”, - деб дуо қилдилар.

Кўриниб турибдики, имон ва ислом бир-бирини тўлдирувчи сўзлардир. Агар улар бирга зикр қилинса, имондан ботиний ишлар, исломдан зоҳирий амаллар кўзда тутилади. Агар алоҳида келса

⁸⁸ Имом Аби Ҳомид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихъёи улумиид-дин Ғаззолий. Ихъёи Улумид-дин – Қоҳира. Дор ал-миср ли-ттибаъа, 1997. –Б. 154.

иккаласидан ҳам битта нарса, яъни зоҳирий ва ботиний ишлар тушунилади⁸⁹.

⁸⁹ Ал-Мотуридия. –Б. 63.

2.2. Ашъария таълимотида имон масаласи

Маълумки ашъария ақидавий таълимоти Имом Шофеъий усуллари асосида вужудга келган. Шу жиҳатдан, бу масалада у зотдан қилинган ривоятларни келтирамиз. Ибн Абдулбар Робийдан ривоят қилинади: “Шофеъийни имон сўз, амал ва қалб билан эътиқоддир. Аллоҳ азза ва жаллани: “Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас оятини кўрмадингми деяётганини эшитдим. Яъни Байтул-Макдисга қараб ўқиган намозларингиз назарда тутилиб намоз имон сифатида номланди. Шу жиҳатдан имон сўз амал эътиқоддир.

Баёзийнинг ривоятига кўра Шофеъий: “имон сўз ва камайиб кўпаювчи амалдир”, - деди.

Абу Муҳаммад Зубайрдан қилинган ривоятда у зотдан амалларнинг қайси бири Аллоҳнинг наздида энг афзали? - деб сўрадилар. У зот эса “амаллар у билангина қабул бўладиган нарса”, - дедилар. Ўша нарса нима? - дедилар. Имом бунга жавобан: “Ундан ўзга илоҳ бўлмаган, Аллоҳга имондир” - дедилар. Сўровчи имон сўз ва амал ёки амалсиз сўз эканидан хабаринг йўқми? - деди. Шофеъий имон Аллоҳ учун бўлган амалдир. Сўз эса ўша амални бир қисмидир деди. Сўровчи менга унинг тавсифини келтирганки токи мен уни тушунай деди. Шофеъий имон ҳолатлари, даражалари ва табақалари бор. Унда тамоман баркамол бўлгани ва нуқсони билан ажралувчиси бор деди. У эса имон кўпаяди ва камаядими? - деди. “Имом”, - деб жавоб берди. Сўровчи бунга далил нима? - деди. Шофеъий: “Аллоҳ таоло имонни одам болалари аъзоларига фарз қилди. Аъзоларни қисмларга бўлди, бирини бошқасидан ажратиб қўйди. Ҳар бир аъзога бошқа аъзога юклатилмаган маълум бир вазифа юклатилган бўлиб, бирининг вазифасини бошқаси такрорлай олмайди. Ундан киши у билан ақл юргизадиган, тушуниб идрок этадиган қалби бу аъзолар қаршилиқ бера олмайдиган тананинг бошлиғи бўлиб, буйруқни фақат уни қараши билангина амалга оширилади. Унда кўрқадиган икки кўзи, эшитивчи икки

кулоғи, ушлаб тутувчи икки кўли, юрувчи икки оёғи, сўзловчи тилига қалбга юклатилган вазифа юклатилмаган.

Имондан қалбга юклатилган нарсалар бу иқрор, маърифат, розилик, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва унинг шериги йўқлигига бўлган таслимдир⁹⁰. Ашъария эътиқодий мактабининг йирик намоёндаси Имом Ғаззолий ўзининг ихъёи улумид-дин китобларининг ақидага тегишли далиллар нурларидаги ақоидлари бобида Аллоҳга ҳамду сано, пайғамбарга салаватлар ва унга эргашиб ҳақ йўлни мустаҳкам тутган саҳобаларга ва салафи солиҳинларга олқишлар айтади. Уларни “Ла Илаҳа Иллаллоҳ” сўзини ибодат даражасига кўтаришларига алоҳида урғу беради. Жумладан: шундай дейди: “Улар мўъжаз икки шаҳодат калимаси ўз ичига парвардигорнинг илоҳлигини, унинг сифатларини, феълларини ва расулни пайғамбар ҳақ эканлигини собит этишликни ўзига қамраб олганини яхши билишарди. Шунингдек имон асоси тўрт рукнга қурилганини ва ҳар бир рукн ўнта асос доирасида эканлигини билишарди.

Биринчи рукн: Аллоҳ таолонинг маърифати ва унинг доирасидаги ўнта асосдир. Булар: Аллоҳ таолонинг мавжудлиги, унинг қадимлиги, борлиги ва у зотнинг жавҳар ҳам жисм ҳам ғараз ҳам эмаслиги, бирор маънода бирон жиҳатдан алоқадор эмаслиги, муҳим қарор ҳам топмаганлиги ва у зотни кўриши ва ягона эканлигидир.

Иккинчи рукн: У зотнинг сифати бўлиб, ўнта асосни ўз ичига қамраб олади: Бу у зотнинг борлиги тирик, билувчи, қудратли, ирода этувчи, эшитувчи, кўрувчи, гапирувчи, ҳодисаларда зоҳир бўлишидан покдир. У қадимул калом, илм, иродадир.

Учинчи рукн: У зотнинг феъллари ва унга доир ўнта асос: Бу банда феъллари Аллоҳ таолонинг яратган иши бўлиб, бандалар унга киритган нарсадир. Бу эса, Аллоҳ таолонинг иродасидир. Инсон яратиш ва ижод қилиш воситаси ила афзал қилинган бўлиб, Аллоҳ таоло тоатидан ташқари

⁹⁰ Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ибана ан-Усули-д-дияна. Аббос Саббоҳ нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дору-н-Нафоис, 1994. –Б. 41-45.

нарсани юклаш йўқ, у зот фақат шариат билан вожиб этувчидир. Унинг пайғамбарларни юбориш жоиз бўлиб, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг нубуватлари мўъжиза билан қўллаб қувватланган собитликдир.

Тўртинчи рукн: Самият ва унинг доираси юзасидан ўнта асосдир. Йиғиш ва ёйиш (қиёматни) мункар ва накир номли фаришталарни саволларни қабр азобини, мезони, сирот(кўприги)ни жаннат ва дўзахни яратилганлигини, имомларни ҳукмларини саҳобаларни фазилатларини, уларни тартибига кўра ва имомлик шартларига кўра собит бўлишидир.

Имон арконларидан бўлган биринчи рукнига келадиган бўлсак, у Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг билиш ҳақида ва Аллоҳ таолонинг ягоналиги ва унга доир ўнта асос: Дастлабки асос: Аллоҳ таолонинг билиш ва у билан ёритилган нурдан бир нур ва Қуръони карим унга томон тўғри йўл кўрсатган эътибор тариқасидан йўл олишликдир. Шу жиҳатдан Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг баён қилишидан кейин баён этиш мавжуд эмас. Зероки, Аллоҳ таоло шундай деди: “Биз ерни (барча жонзотларга маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб турувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (ўз ор-номуси билан барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. Кундузини эса тирикчилик (учун белгиланган вақт) қилдик. Устиларингизда (қабат) пишиқ мустаҳкам (осмони) бино қилдик. Ва доимо чарақлаб турувчи чироқни (яъни куёшни пайдо) қилдик. Яна биз ўзидан ёмғир сиқиб чиқарувчи (булут)лардан ўша ёмғир ёрдамида дон ва набототни ҳамда (қалинлигидан дарахтлари) бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун мўл кўл сув-ёмғир ёғдирдик. Набаъ сураси 6-16 оятлари⁹¹.

Иймонинг камайиши ва кўпайиши

Мазкур масала юзасидан “Шарҳул мақосид” китоби муаллифи қуйидаги фикрларни келтиради: “Имонни тасдиқлаш дегувчи жумҳур

⁹¹ Қуръони Карим (ўзбекча таржимаси). –Б. 601-602

уламолар имонни кўпайиши ва камайишини инкор этадилар. Аслини олганда умматларнинг имонлари пайғамбарларнинг имонларига мутлақо тенглаша олмайди. Бу фикр Қуръони каримдаги қуйидаги Анфол сураси 2; Фатҳ сураси 4; Мудассир сураси 31 оятларда ойдинлаштириб берилади. Шунингдек ибн Мажар ривоят қилган ҳадисда шундай деб айтилади: Имон токи ўз соҳибини жаннатга киргизгунга қадар ортади.

Жавоб тариқасида айтилишича ортиш деганда назарда тутилган нарсa бардавомлик, мустаҳкамлик ва сонu миқдорда зиёдалашувдир. Бу эса Ашъарийлар ва Муътазилаларни мазҳаби бўлиб, шунинг учун Шофеъий ва кўплаб уламолардан имон кўпаяди ва камаяди деб айтилган.

У дейди: Биз барча муҳолифларимиз билан шунга иттифоқ қилдикки имоннинг луғавий маъноси шариат келишидан олдин “тасдиқлаш”дир. Яна шунга иттифоқ қилдикки, Қуръон уларнинг тилида нозил бўлган, унинг маъносини ундан билмоқ лозим.

Шундан биламизки, уларнинг тилида шариат келмасдан олдин имон сўзи фақат тасдиқлаш маъносини билдиради. Улар бундан бошқасини имон деб атамаганлар.

Арабларнинг одатига кўра, агар хожа ўзининг қулига бир ишни буюрса, агар уни қилса “унга имон келтиради” дейилмайди, балки “итоат этди” дейилади. Улар имон келтирди деган сўз билан “итоат қилди” деган сўзни бир-биридан ажратишган, имонни фақат буйруқларга эргашиш маъносида тушунилган.

Имон қалбнинг тасдиғидир. У эътиқод қилувчи кишининг ўзи имон келтиргани ростлигига эътиқод қилишдир. Агар тил иқрор бўлиб, лекин қалб инкор қилса, ҳақиқатда иймон бўлмайди.

У куфр келтириш ҳақида айтади. Унинг луғатдаги асл маъноси беркитиш ва яширишдир. Шунинг учун, тунни ҳам кофир “яширувчи” дейишган, чунки у зулмат билан тўсиб олади.

У дейди: дарҳақиқат, қалби билан Аллоҳ таолони инкор қилувчи, ўзининг хабарларида уни инкор қилувчи ўз нафсини Аллоҳнинг неъматларидан тўсувчи ҳисобланади.

Шунинг учун, у қалби билан эътиқод қилиб туриб, тили билан Аллоҳни инкор қилган кишини ҳақиқатда кофир демайди. Аллоҳ таоло айтганидек “Наҳл сураси 102-оят”.

У айтади: “ихтиёрий равишда инкор қилувчи қалбидаги куфр билан кофирдир. Инкори бунга далилдир. Худди куёшга сажда қилувчи кофир бўлгани каби. У айнан унга сажда қилгани учун эмас, балки унинг саждаси қалбидаги куфрнинг (аломати) белгиси бўлгани учун. Шу каби зино қилувчи ва Набий (с.а.в.) ҳузурларида уларни ўлдирмоқчи бўлмоқчи бўлган кишилар айнан зино ва қатл учун кофир бўлмайдилар, балки унинг қалбидаги куфри билан бўлиб, бунга зино ва қатл далолат қилади.

У дейди: Аллоҳни улуғлаш имонни шартидандир, муҳаббат ва ҳузуъ ҳам. Кимки Аллоҳга иймон келтиришда буларни шарт қилса, Расул (с.а.в.)га имон келтиришда ҳам шарт қилади.

Чунки, Расул (с.а.в.)га паст назар билан қараш куфрдир. Аллоҳнинг буйруқларига паст қараш куфр бўлгани каби.

У баъзи китобларида шундай деган экан: Ас-Солиҳий номи билан машҳур бўлган Абул Ҳусайн шундай дейди: “Имон ягона ҳислатдир, у, яъни, имон Аллоҳни ягона эканини, унинг ўхшаши йўқ эканини, ибодат ундан бошқаси учун дуруст эмаслигини, ундан бошқасга итоат қилишга арзийдиган зот йўқ эканини билишдир”

У маърифат ҳақида шундай дейди: “У, яъни, маърифат Аллоҳ таолога ҳузуъ⁹² қилишдир, чунки инсон Аллоҳни ўзининг яратувчиси ва бошқарувчиси, деб эътиқод қилиши, у инсон ўз нафсига зарар ҳам, фойда ҳам, соғлиқ ҳам, ўлим ҳам, ҳаёт ҳам, қайта тирилишига ҳам ўзи эгалик

⁹² Ҳусниддинов З.М. Ислоҳ энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2004. –Б. 25.

қила олмаслигини, балки Аллоҳнинг ўзи бу ишларнинг эгаси деб эътиқод қилиши, итоати фақат унинг ўзига хос бўлиши мана шу Аллоҳни улуғлаш, мана шу уни ягона деб билишдир. Чунки инсон Аллоҳни ягона ва унинг ўхшаши йўқ, деб англаши, мана шу тавҳиддир ва уни тасдиқлашдир”.

У дейди: “Унинг айтишича куфр бу Аллоҳни танимасликдир у ягона хислат ва хусусиятдир. У Аллоҳни танишнинг аксидир. Аллоҳни танимаслик уни ёмон кўриш, унга нисбатан мутакаббирлик қилиш унга эътиборсиз бўлиш ва динсизлик ва у Аллоҳга ширк келтириш экани ва оламнинг тадбирини кўрувчисини, яъни бошқарувчисини инкор этиш ва “оламнинг тадбирини кўрувчи Масихдир” ёки “уни иккита” дейиш, шу эътиқод мана шу қалбнинг инкор қилишидир.

Имонга кирмаган киши, бир диндан бошқа бир имонда бўлмаган динга ўтиши мумкин, лекин имондан бошқа динга кирмоқчи бўлса фақат куфрга киради чунки имон ягона диндир.

У деди: Иқроор бўлиш — зохирга кўра ҳукм қилганда тасдиқлаш бўлади, бу бандалар ўртасидаги имон тушунчасидир. Ҳақиқатда эса, имон қалбнинг тасдиғидир агар у тили билан тасдиқласа, унинг сўзидан маълум бўлаётган маънога кўра имон, деб ҳукм қилинади.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Абу Мансур Мотуридийнинг таржимаи ҳоли ва у зот яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, тарихий воқелик муаррихларнинг асарларига таянган ҳолда тавсиф этилиб Мотуридия таълимотини шаклланиши жараёнлари ўрганилди.

2. Абул Ҳасан Ашъарийнинг таржимаи-ҳоли ва у зот яшаган давридаги турли оқимларнинг таъсири ва Ашъарийлик таълимотини юзага келишини қатор манбалар воситасида аниқланди.

3. Мотуридийлик ва Ашъарийлик ўртасидаги маънавий ва лафзий фарқлар, ҳар иккала томонни далил ва ҳужжатлари ўрганилди. Шунингдек, мазкур ихтилофлар батафсил очиб берилган бир неча асарлар аниқланди.

4. Мотуридий асарларининг қиймати ўрганилиб, авваламбор, уларнинг ўша давр ижтимоий-сиёсий жараёнларга, соф исломий эътиқоднинг сақланиб қолишидаги аҳамиятига эътибор қаратилди. У Абу Ҳанифанинг содиқ издоши сифатида унинг қарашларини ривожлантириб, Абу Ҳанифанинг асарлари ва фикрларини фақатгина шарҳловчиси бўлиб қолмай, ўз услуб, фикр-мулоҳазалари билан мазҳабни бойитди, янгилади, тарраққий этишга хизмат қилди. Шу жиҳатдан у зот масалаларни ҳал этишда фалсафа ва мантиққа катта аҳамият қаратгани яққол намоён бўлади.

5. Ашъарийнинг шахси, унинг устозлари ва шогирдлари борасидаги маълумотлар келтирилди ва айрим шубҳаларга аниқлик киритилди. Шунингдек, муътазила оқимиға қарши кўрсатган таъсири мисолларда ўз аксини топади.

6. Ашъария таълимотида масалани ҳал қилиш борасида урғу тўғридан-тўғри Қуръон ва Ҳадисга қаратилса, Мотурудия таълимотида эса масалани ҳал қилишда мантиққа ҳам кўпроқ ўрин берилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

7. Мотуридия таълимотида имон ҳақиқати тасдиқ деб баҳоланган бўлса, Ашъарийликда имон маърифат деб эътироф этилди. Шу нуқтаи назар билан қолган масалалар ҳал этилди. Жумладан, имоннинг кўпайиши ва камайиши, истисно, тақлидчининг имони ҳам юқоридаги асос остида шаклланди.

8. Умумий миқъёсни олиб қаралса, икки йўналиш ўртасида еттита лафзий ва олтита маънавий фарқлар аниқланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳар иккала таълимот “Аҳли сунна вал-жамоа” йўналишида тан олинган бўлиб, ўрталаридаги фарқлар бири бошқаларини куфрда ва адашишликда айбламайди. Ҳар иккала таълимот ислом динининг энг нозик ва дақиқ жиҳати ҳисобланган ақида ва калом илмига доир масалаларни ҳал этишда ўзига хос усул билан ёндошадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий ҳужжат ва манбалар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1998. 446 б.
2. . Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998. 32 б.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1998. 446 б.
4. Каримов И. А. Аллоҳ қалбимизда юрагимизда. –Тошкент. 1999.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент. Ўзбекистон, 2009. 173 б.

Манбалар:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент. Тошкент ислом университети, 2007. 618 б.
2. Имом ал-Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна./ Маждий Басаллум. / — Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. 10 жилдли. 235 б.
3. Ақоид матнлари. / Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абулазиз Мансур./ – Тошкент. Тошкент ислом университети, 2006. 80 б.
4. Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдул-Қодир ал-Қирший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. 2-жилд. – 562 б.
5. Тарих ул-умами вал-мулук лит-табарий. – Байрут. Дор кутубил-илмия, 1982. 10 жилд. 425 б.
6. Зирикли Хайриддин. Ал-Аълум. Қомус тарожим. – Байрут: Дар ул-илм ал-малайин, 1998. 8 жилдли. 255 б.

7. Маждий Басаллум. Таъвилот аҳл ас-сунна. –Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. 10-ж. –250 б.
8. Муаллифлар жамоаси. Мавсуот ал-Муяссара –Байрут: Дарул-кутубил илмийя, 2005. 5-ж. 180 б.
9. Доктор Аҳмад ибн Авзуллохх ал-Харбий. «Ал-Мотуридия». Дар ас-Самий . –Ар-Риёд. 2000. –200 б.
10. Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. / Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида./ –Байрут: Муассасат ар-Рисала Наширун, 2004. –5 жилдли. – 250 б.
11. Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. –Байрут: Дарул-кутубил илмийя. 1982. –890 б.
12. Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ибана ан-Усули-д-дияна. Аббос Саббоҳ нашрга тайёрлаган. –Байрут: Дору-н-Нафоис нашриёти. 1994. –110 б.
13. Окилов С. Абул-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотурудия таълимоти. –Т.: Муҳаррир, 2008. -181 б.
14. Абу Азба Ҳасан ибн Абдулмуҳсин. Ар-Равзату-л-баҳия фима байнал-ашаъира ва-л-мотуридия –Байрут.: Дор. сабили-л-иршод, 1996. –Б. -125 б.
15. Аҳмад ибн Муҳаммад Шокир. Шарҳ таҳовия фил ақида ас-салафия. –Ар-Риёд. Визарат аш-шуун ал-исламия вал-авқоф, 2000.- 414 б.
16. Абул Муъин ан-Насафий. Баҳрул калом. –Ар-Риёд. Визарат аш-шуун ал-исламия вал-авқоф, 2000.- 190 б.
17. Имом Аби Ҳомид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихъёи улумиид-дин Ғаззолий. Ихъёи Улумид-дин Қоҳира. Дор ал-миср литтибаъа, 1997. 270 б.

Турк тилида:

1. Sönmez Kutlu. İmam Maturidi ve Maturidilik. Ankara: kitabiyat, –Б. 464 б.
2. Talip Özdeş. Maturidi'nin tefsir anlayışı. İstanbul: İnsan yayınları, 2003. 320 б.

Адабиётлар:

1. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент. Тошкент ислом университети, 2002. 256 б.
2. Алимов У. IX – XI асрларда Самарандда калом илмининг ривожи. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Мовароуннахр, 2008. 192 б.
3. Абу Саъид Гардизи. Зайн ал-ахбар/ Перевод с персидского языка А.К.Арендс. Ташкент. ФАН, 1991. 176 б.
4. Зиёдов Ш. Абу Мансур “Ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китоб ат-Таъвилот”асари”. Тарих фанлари номзоди... дис. Автореф. – Тошкент. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2003. 22 б.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент. Шарқ, 2008. 584 б.
6. Кароматов Ҳ.С. ва бошқ. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни. /Маърузалар тўплами./ – Тошкент. ТИУ, Ижтимоий фикр маркази, 2000. -144 б.
7. Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти. /Маъруза матни./ – Тошкент. Маънавият, 2000. -16 б.
8. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 203 б.
9. Ҳусниддинов З.М. Ислом энциклопедияси. –Тошкент. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. -320 б.

Интернет сайтлари

1. <http://www.almeshkat.net/books/archive/books/t-%20altabri.zip>
2. <http://www.thakafa.biz/cgi-bin/item/269-1775/009/index.html>